

74.261.4
999

ЭШЧОНОВА ГУЛНОРА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА
ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИ
ЎРГАНИШНИНГ
ЛИНГВОМЕТОДИК
АСОСЛАРИ**



FF0000018649

ТОШКЕНТ

1.4
9

74.261.4
Э.99

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ЭШЧОНОВА ГУЛНОРА

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ
АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ
ЛИНГВОМЕТОДИК АСОСЛАРИ

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Toshkent
AXBOROT-RESURS MARKAZI

~~Nizomiy nomli
T O P U
kutubxonasi~~

У-7990/9

ТОШКЕНТ - 2010

Г.Эшчонова. Ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганишнинг лингвометодик асослари. Т.: «Fan va texnologiya», 2010, 124 бет.

Бу китоб умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, олий ўқув юртлари филология факультети талабалари ҳамда адабиёт ўқитиш методикаси бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган магистрант, аспирант ва изланувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Роза Ниёзметова – педагогика
фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Сафо Матчанов – педагогика
фанлари доктори, профессор;

Исомиддин Ёрматов – филология
фанлари доктори, профессор

Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (6-сонли баённома, 2010 йил, 28 январь).

ISBN 978-9943-10-342-9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2010.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бошланган йирик ислохотлар сирасида «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» алоҳида ўрин тутади. Қонуни ва Дастурни амалиётга жорий қилишнинг иккинчи босқичида барча ўқув фанлари қатори давлат тили (Ўзбек тили) ўқув фани мазмунини янгилаш, таълим методларини илгор педагогик технология даражасига етказиб ишлаб чиқиш, табақалаштирилган таълим мазмуни ва методларини яратиш, уларни маърифий, маънавий тарбияга, миллий мафкура ва миллий ғояга монанд такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Муустақиллик давридагина Ўзбек тили ўқув фани мазмунида адабий материалларни ўрганишга бўлган эътибор ижобий томонга кескин ўзгарди. «Таълим Ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган синф(гуруҳ)ларда Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси»да¹ бу борада бир қатор муҳим йўриқлар белгиланди. «Ўзбек тили давлат таълим стандарти» дан ҳам адабий материалларни ўқиб ўрганишга доир тегишли талаблар жой олди. Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг амалдаги Ўзбек тили дастурида ҳам адабий материалларга алоҳида ўқув соатлари ажратилмасида, рўйхати аниқ қилиб кўрсатилди. Ушбу адабий материалларнинг муайян қисмини шеърый асарлар ташкил этади. Булар орасида рубоий, туюқ, ғазаллар ҳам ўз аксини топди. Лекин Ўзбек тили дастурида адабиёт ўқитиш талаб этилмагани, унда «дарсликларга доир методик кўрсатмаларда матнлар, шу жум-

¹ Таълим Ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф (гуруҳ)ларда Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. – 4–6-сон. – 21–24-бет..

ладан, шеърлар тил ўрганишга бўйсундирилади» каби йўриқлар берилгани, тегишли методик қўлланмаларнинг йўқлиги, русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилидаги шеърий асарларни ўргатиш методикасининг алоҳида тадқиқ этилмаганлиги ва ишлаб чиқилмаганлиги туфайли ўзбек тили ўқитувчилари бундай асарларни русийзабон ўқувчиларга ифодали ўқитиш, ёд олдириш, баъзан рус тилига таржима қилдириш, мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказишдан нари ўтмаяптилар. Бунга амалдаги «Ўзбек тили» дарсликлариди шеърларга доир берилган айнан шу хилдаги топшириқлар ҳам сабабчи бўлмоқда. Ваҳолонки, шеърий асарлар ёрдамида русийзабон ўқувчиларда шарқона эстетик дидни шакллантириш, уларни ўзбекона миллий кадриятларни англашга тайёрлаш, миллий маънавият ва миллий ғоя руҳида комил инсон этиб тарбиялаш жараёни самарали кечади.

Юқориди баён этилганлардан аён бўладики, ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб муаммо саналади.

ГБОБ

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Шеърлий асар ғоясини бадний идрок этиш хусусиятлари

Таълим бошқа тилларда (таджикот ишида асосан рус, қисман қозоқ тилида) олиб бориладиган мактабларда шеърлий асарларни ўрганиш орқали ўқувчилар ўзбек тилидаги нутқий фаолият турларини эгаллашда давом этибгина қолмай, ўзбек халқининг миллий маданияти, маънавияти ва қадриятлари билан яқиндан таниша борадилар, бу нарса уларнинг тафаккурини ўстиради, икки халқ маданиятидаги ўзига хосликларни чуқурроқ англашларига ёрдам беради. Бундай дарслар, бир томондан, ўқувчиларда ўзбек адабиётининг ривожини, жаҳон адабиётида туғган ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилишга ёрдам беради, иккинчи томондан, шу адабиётни бунёд этган буюк истеъдод эгаларига нисбатан чексиз ҳурмат ҳиссини шакллантириш учун хизмат қилади.

Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский чет тилини ўрганиш ўзга тилдаги фикр тағ маъносини аста-секин англаб етишдан сўзлар, иборалар гўзаллигини, тил имкон берадиган барча имкониятлар бойлигини идрок этишга ва ниҳоят, тилнинг эстетик моҳиятига кириб бориш лаёқатини, тил хазинасини эгаллашга томон бориши керак деб ҳисоблаган. К.Д.Ушинский Ян Амос Коменскийнинг ғояларини ривожлантира бориб, ўқувчиларга гапиришигина эмас, балки тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданий бойликларини ўргатиш зарур, бунинг

учун уларни адабиёт билан таништириш даркор¹, деб ёзган эди. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш алоҳида ўқув фани даражасига кўтарилмоғи, шеърий асарлар устида ишлашда адабий таълимнинг ўзига хос ва мос методикасидан фойдаланилмоғи даркор.

Шеърий асарларни ўрганиш методикаси бундай асарларнинг жанр хусусиятлари асосига қурилади. Шунга кўра, даставвал ана шу хусусиятлар билан боғлиқ айрим методик муаммолар устида тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Методик адабиётларда шеърий асарни идрок этиш ҳақида берилган йўл-йўриқлар *лирик образни, шеърнинг тил хусусиятларини тушуниш ва ғоясини англашга* бориб тақалади. Дарҳақиқат, Л.Д.Ермакованинг таъкидлашича, «Шеъриятни идрок этишдаги ўзига хослик ва алоҳида мураккаблик лирик образнинг кўп маънолилигида, асарнинг поэтик тағ маъносини очиш, кичик мавзуларга кириб боришнинг қийинлигидадир»². Демак, шеърий асарларни ўрганиш дарсларининг мақсади ва вазифаси ўқувчилардаги бадиий идрокнинг тўғрилиги, чуқурлиги ва теранлигини таъминлаш, уларни поэтик маҳорат сирасрорлари билан таништиришдан иборат. Бундаги энг қийин ҳал этиладиган муаммо асарнинг ғоясини бадиий идрок этишга эришиш саналади.

Шеър ғояси ва образлиликни англаш

Бадиий асарда ғоя тасвир этилган кишиларнинг руҳияти, тақдири, воқеалар ва нарсаларнинг моҳияти ичида ўз аксини топади. Бадиий асарда ғоя – санъат асарининг мазмунига асос бўлган умумлаштирувчи, эмоционал образли фикрдир.

¹ Хаимова Е.М. Использование пословиц и поговорок на уроках английского языка в средней школе // Образование в современной школе. – 2006. – № 9. – С. 44–47.

² Ермакова Л.Д. Формирование эстетического восприятия поэзии у учащихся в процессе руководства факультативными занятиями: Автореферат дисс. ... канд.педнаук. М., 1980. С.4–5.

Шеър гояси ва бадий образлилик ўзига хос ифода этилади. Методист олим С.Аҳмедов шеъррий асарлар ҳақида бундай дейди: «Одатда, лирик жанрга мансуб асарлар шаклан ихчам, мазмунан теран, киши қалбини ҳаяжонлантирадиган ва ўқувчига чуқур таъсир этадиган шеъррий асарлардир. Аммо улар ўзида ҳажм мавжудлигидан қатъи назар, воқеликни образли акс эттиришнинг барча хусусиятларини мужассамлаштирадиган»¹. Ўқувчиларнинг шеъррий асарни англашини қийинлаштирадиган омиллардан бири гоъвий мазмунни белгилаб берувчи айни шу образлиликдир.

И.И.Чайковскаянинг кузатишларига қараганда ҳам, «Шеъррий асарлар идрок учун мураккаб бўлиб, муайян китобхонлик маданиятини, эстетик ҳозирликни талаб этади»². Айниқса, ўзбек тилидаги асарларни идрок этиш ўзига хос билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишни ҳам тақозо этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Эга + от кесим» қолипга гаплардан иборат айрим кичик ҳажмли шеърлар мазмунини тушуниш унча қийин эмас. Гапнинг (мисраларнинг) синтактик қурилиши мураккаблаша бошлаганда, икки тилга хос жумла қурилишида фарқ юзага келганда, мазмунни тўғри англаш оғирлашади. Айни пайтда шеър мазмунида яширинган тағмаънони (шеър орқали нима дейилмоқчи эканини) англаш образли ифодаларни тушуниш билан яна ҳам мушкуллашади. Масалан, Обид Расулнинг 5-синф «Ўзбек тили» дарслигида берилган «Олтин куз» шеърини олайлик:

Олтин кузим юртда меҳмон,
Боқиб ҳар ён, ўйнар кўзим.
Кишмиш, чарос, худди офтоб...

¹ Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Т., «Ўқитувчи», 1986. 7-бет.

² Чайковская И.И. Формирование литературно-художественного интереса к поэзии народов СССР у школьников старших классов (на уроках и во внеклассной работе). Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 25.

Иштаҳа бор, есанг қарс-қарс.
Боғимда анор, олма, беҳи,
Ноклар, эҳ-е, пишган бисёр.
Режалар юз, ҳосил бўлиқ,
Омбор тўлиқ, ёруғдир юз.

Бу ердаги тағ маъно ҳосил мўллигидан кишида пайдо бўладиган қувонч нашидасини ифодалашдир. Ўқувчи «ўйнар кўзим», «Иштаҳа бор, есанг қарс-қарс», «ёруғдир юз» ифодалари орқали ушбу тағ маънони англаб етмоғи лозим. Икки тилдаги образ яратиш муштараклиги тағ маънони тўғри англаш имконини беради.

Шеърятда лирик образни биз кутган маънодагина тушуниш мумкин бўлавермайди. У аксарият ҳолатларда кўп маънолидир. Масалан, «ёруғдир юз» ифодасида сўзининг устидан чиққанлик таъсирида юзага келадиган ҳолат устувор. Лекин ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатлардан маълумки, болалар ушбу ифодани кишидаги хурсандлик ҳолати билангина боғлайдилар.

Адабиёт назариясига доир манбаларда образлилик ҳақида жуда кенг доирада фикр юритилади. Лекин мактаб «Адабиёт» дарсликларидаги савол ва топшириқларда образ сўзи фақат асар қаҳрамони маъносидагина келади. Масалан, ўзбек мактабларининг 5-синф «Адабиёт» дарслигида «Ойгул билан Бахтиёр» эртаги юзасидан ҳавола қилинган савол ва топшириқларнинг еттинчисида бундай дейилади: «Эртақдаги Ойгул образини таъриф ва тавсиф этувчи сатрларни айтиб беринг»¹. Шукрулло қаламига мансуб «Умр ҳақида эртақ» бўйича ҳавола қилинган савол ва топшириқларда: «Нима мақсадда шоир эртақка сайёҳ образини асос қилиб олган?». Бизнингча, шеърый асарлардаги образлиликни *таъсирий ифодалар*, *тафсиллар* ўрнида ҳам

¹ Karimov N., Normatov U. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik-majmua. – 2-nashri. – T., «O'qituvchi», 2000.

кўриш мақсадга мувофиқдир. Лекин асар персонажини англа-
тувчи образ шеърини асарда яққол ажралиб турмаслиги ҳам
мумкин. Уни ўқувчи осонроқ қабул қила олади.

Хуллас, асардаги образлилик ғояга бўйсунди. Шунга кўра
ҳам тақдир ишлари асар мавзусини, сўнгра ғоясини, ниҳоят,
образлар тизимини аниқлаш томон бориши тўғри бўлади. Асар-
нинг ғоясини билмай туриб уни ифодали ўқиш, образлар тизи-
мига баҳо бериш, шоирнинг муносабатини англаб етиш мумкин
эмас.

Шеърини асар мазмуни ҳам, шаклига оид элементлар ҳам
уни идрок этишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Образ билан поэтик ифодалар, айниқса, поэтик тафсил муносабатлари

Тиллим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб-
ларнинг ўзбек тили дареларида шеърини асарларни ўрганиш
ўқувчиларнинг ўзбекча миллий маънавиятини шакллантириш-
да бениҳоя катта аҳамиятга эга. Айниқса, шеърларнинг ғоявий
мазмунини, шоирнинг бадий маҳоратини чуқур англаб етишда
тафсилларни ажрата олишнинг ўрни ўзига хосдир. Ҳар бир
шоирнинг маҳорати ўзига хослиги мавзулар ранг-баранглиги,
образлар ёрқинлиги, ифодаларнинг фавқуллодчилиги, бадий
баркамоллиги, бой рамзийлигида яққол кўринади. Лирик таф-
сил шеърда таъсирчанлик, тасвирда аниқлик ва бетакрорлик
ифодалади.

Б.Саримсоқов лирик образ билан поэтик тафсилнинг ўзаро
фарқини қуйидагича тушунтиради: «...лирик асарда шоирнинг
ғоявий-бадий ниятини ифодаловчи кўп вазифали образлар
лирик образ, лирик образларнинг айрим қирраларини очишга
хизмат қилувчи, фақат биргина вазифа ўтовчи образларни эса
поэтик тафсил деб фарқлаш лозим»¹. Бошқача айтганда, лирик

¹ Саримсоқов Б. Лирикада бадий тафсил // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали,
1992, №3-6, - 10-бет.

образ поэтик тафсилга қараганда кенг қамровли тушунча. Тафсил тасвирий воситалар ёрдамида вужудга келтирилади. Айтиш мумкинки, поэтик тафсиллар оламни бадий, эстетик, фалсафий идрок этиш маҳсули саналади. Шунга кўра, улар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириб, ўзбек халқини, унинг борлиққа муносабати орқали воқеа-ҳодисаларга қарашидаги умуминсоний ва шарқона ўзига хосликни тушуниш сари етаклайди.

Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърисидаги «Чаппар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим Ватан тупроғин» мисралари ўқилганда, ўқувчилардан «Нима учун одам тупроқни ўпади?» деб сўраш фойдали. Ушбу саволга жавоб беришни ўйлаган ўқувчи Ватан ҳақида фаол фикрлай бошлайди, унда ватанпарварлик туйғулари уйғонади. Ўқувчилардан жавоб олингач, улардан шоир шеърда яна қандай бадий тафсиллар (деталлар) ишлатганини сўраш, топишга ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.

Хуршид Давроннинг «Ҳақиқат» шеърисида:

Қанча ўрамасин кўнгли қоралар,

Баланд девор билан ёзнинг боғини,

Барибир бағри кенг, саҳий олмалар

Кўчага узатар шигил шохини.

Тўртта тафсил: кўнгли қора, ёзнинг боғи, саҳий олмалар, кўчага осилиб турган шигил шох ҳамманинг олмадан баҳраманд бўлиши.

Маълумки, шеърнинг яратилиши шоир ҳаётининг кенглиги, ўзига хослиги билан белгиланади. Д.Ж.Мирзаеванинг таъкидлашича, шоир дунёси шоир ҳаёлот, мушоҳадаси, қизиқиши ва интилишларини, руҳини, унинг шеърисидаги мавзу кенглиги ва билим доирасини, муқояса қила олиш ва мулоҳаза юритиш қобилияти каби кўпгина қирраларни қамраб олади (8-бет). Буларнинг барчаси эса лирик тафсил танлай олиш, ана шу тафсиллар орқали моҳиятга етиш ва моҳиятни таъсирчан

ифодалай олиш демакдир, чунки муваффақиятли топилган кичик бир тафсил шоир дунёсининг чуқур қатламларига, сирасорларига кириш учун муҳим калит ҳисобланади¹.

Ўзга тилда сўзловчи, айниқса, русийзабон ўқувчи шеърдаги сўзларнинг луғавий маъноларини тушунишдан ташқари, айрим сўзлар асосида яратилган образларни, шу жумладан поэтик тафсилларни пайқай олишлари лозим. Шундагина унда таъсилланиш пайдо бўлади, завқланиш юзага келади. Ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганиш уларни ўқиш ва мазмунини англаб етишдангина иборат эмас. Ўрганиш таҳлил жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу жараён бўлмаса, дарсларнинг таълимий ва тарбиявий жиҳати амалга ошмайди.

Ҳис ва кечинмалар ҳамда шеърий асарни бадиий идрок этиш хусусиятлари

Бадиий асарда воқелик, ундан олинган таассуротлар, туғилган туйғулар, бир сўз билан айтганда, ҳаёт бадиий тасвирланади. Воқеликдаги барча гўзал нарсалар тасвири бизни завқлантиради. Бошқача айтганда, шеърий асарда воқеликнинг ўзи эмас, шоирда туғилган ҳис-туйғулар ва шу ҳис-туйғулар таъсирида завқланиш устун туради.

Санъаткор бизни тасвир предметидаги гўзалликка қаратиб, табиатдаги шундай гўзалликни ажрата олишга ўргатади, айти пайтда шоирнинг тасвир маҳоратидан ҳайратланиш ҳиссини вужудга келтиради. Олма, олча, арча, нок, булок, қишлоқ қабиларда эътиборсизлик билан бизнинг назаримизга тушмаган, ақлимизга келмаган қирралар бадиий образлар орқали аён этиладики, шоирнинг маҳорати бизни лол қолдиради. Бошқача айтганда, таълим жараёнидаги кўрсатмалилик предметни яққол кўриш имконини берса, шеърий асар унинг биз илғамаган

¹ Мирзаева Д.Ж. Ҳозирги ўзбек лирик шеъриясида бадиий тафсил. Филол.фан. номз. ... дисс.автореферати. – Т., 1994. – 25-бет.

жиҳатларини ҳам яна ҳам гўзал ҳолатда кўринадиган қилиб тақдим этади.

Биз «Воспитание творческого читателя» қўлланмасида таъкидланган қуйидаги фикрига тўлиқ кўшиламыз: «Айни пайтда гўзаллик ҳиссини тарбияламасдан, бадиий асар орқали завқ улашмасдан туриб адабиётни чинакам ўргатиш мумкин эмас»¹. Шеър биринчи марта ўқилгандаёқ эмоционал таъсир юзага келиши лозим. Буни синфдаги сукунат, кўзларда чакнаб кетишидан ҳам пайқаш қийин эмас. Таъсир шеър мазмуни ва моҳияти тўлиқ анланган пайтларда содир бўлади.

Профессор Б.Тўхлиевнинг таъкидлашича, «Аслида адабиёт ўқитишнинг бош йўналиши таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онгига бадиий асарнинг мўъжизакор таъсир кучини амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган»². Шундагина шеър кўрсатадиган таъсир шунчаки завқ уйғотибгина қолмай, у инсонни тарбиялайди ҳам. Шеър ҳис-туйғуни жунбушга келтириб, фаол эстетик кечинмалар учун замин яратади, шахс дунёқарашининг таркибий қисми бўлмиш эътиқодга сайқал беради, олижаноб хатти-ҳаракатларга отлантиради.

Маълумки, шеърдаги мазмун туйғу билан боғлиқ. Лекин шеърини асар таҳлили дарсларини кузатишдан чиқарилган хулосаларимиз асосида айта оламизки, алоҳида изоҳлар шаклида ифодаланган ана шу мазмуннинг ўзи шеърдан ташқарида ана шу туйғуни қайта юзага келтирмайди, балки сўндиради. Аввал олинган ширин таассуротлар асарнинг бадиий қийматидан далолат берган бўлса, оддий гапларга айлантирилган мисраларнинг фақат мазмун жиҳати устидаги ишлар ушбу қийматдан узоқлаштиради. Шунинг учун ҳам ўзбек тили дарсларида

¹ Воспитание творческого читателя (проблемы внеклассной и внешкольной работы по литературе): Книга для учителя. Под ред. С.В.Михалкова, Т.Д.Полозовой. – М., «Просвещение», 1981. С.9.

² Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси: (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юрларининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун қўув қўлланма сифтида тасвия этилган). Т., «Янги аср авлоди», 2006. 7-бет.

ифодали ўқишга камроқ, асар мазмуни юзасидан суҳбат (савол-жавоб) ўтказишга кўпроқ эътибор берилганда, шеър ўзи кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни йўқота боради. Бунда дарс том маънода шеърини асарни ўрганишга эмас, балки ўзбек тилида нутқ ўстиришга қаратилиб қолади.

Профессор Қ.Йўлдошевнинг таъкидлашича, «Лирик турдаги асарлар учун асосий нарса туйғу ва ҳиссиётга йўғрилган ҳаётини ҳикмат ифодасини беришдир. Лирикада воқалар тасвири, характер мантиғи эмас, руҳий ҳолат тасвири, ҳиссиёт ифодаси, туйғулар самимияти муҳимдир. Чинакам лирик шеър тингловчи ё ўқувчига фақат завқ берибгина қолмай, унинг эмоционал-ахлоқий имкониятларини уйғотади, фаолиятга ундайди. Самимий лирик сўз ҳатто реал воқелик ҳодисаларига қараганда ҳам инсон руҳиятига кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин эканлиги психология илми хулосаларидан маълум»¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тили дарсларида шеър мазмунига узоқ тўхталиш эмас, узоқроқ таъсирланиш муҳимдир. Қ.Йўлдошев айтаётган руҳий ҳолат, ҳиссиёт, туйғулар асар қаҳрамонига ҳамдардлик мевасидир. Ўқувчи, айниқса, ўзга миллат вакили шеърини асардаги кечинмаларга кўшилиб, шу кечинмаларга маълум маънода ошно бўлиши керак.

Русийзабон ўқувчи ўзбек шоири ўз шеъри орқали қандай туйғуларни ифодаляётган бўлса, нималарни ҳис этган бўлса, шуларни ўз қалбида туя олишга, бир сўз билан айтганда, ўзбекни тушунишга ўрганиши адабий материаллар устида олиб бориладиган ишларнинг муҳим қирраси ҳисобланади. Л.Айзерман айтганидек, унга нотаниш бир маконни» ўзиники сифатида забт этадиган ўз ўй-хаёллари ва ҳис этишларининг бутун тўлаллиги»² намоён бўлиши лозим.

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Т., 1997. 235-бет.

² Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя (статья первая) // Литература в школе. – 2006. № 9. – С. 25.

Кичик шеърдаги ҳаракат вақт жиҳатдан жуда қисқа даврни ўз ичига қамраб олади. С.Аҳмедов тўғри таъкидлаганидек, «Лирика ижодкор қалби оний бир тезликда ҳис этган сезгининг, мавжуд муҳитга эстетик муносабатнинг мевасидир. Шоир ташқи оламдан олган таассуротлари натижасида вужудга келган фикрини ҳис-туйғуларга ўраб яна юзага чиқаради, китобхонда фикр туғилишига сабаб бўлади»¹.

Шунинг учун ҳам асар ўқилгач, ўқувчилардан албатта кимда қандай фикрлар туғилди деб сўраш керак бўлади. Бу борада М.Охунованинг «Адабий ўқиш дарсларида эстетик тарбия» деган кўлланмасидаги қуйидаги эътироф ҳам ўринли: «Лирика адабиёт турларидан бири бўлиб, унда бирор ҳаётий воқеа, ҳодиса таъсирида инсонда туғилган рухий кечинма, фикр ва туйғулар акс эттирилади. Лирикада ифодаланган инсон ички дунёси ундаги кайфиятни юзага келтирган турмуш воқеаларини тасаввур қилишга имкон беради»². Шеърда инсонда туғилади-ган типик кечинмалар ёритилгани учун у миллатидан қатъи назар барчага бирдай эстетик таъсир қилади. Шу боис, ўқитувчи ўзбек тили дарсларида шеърий асарнинг мазмуни эмас, балки у уйғотадиган кечинмаларга шерик бўлиш, ҳамдардлик биринчи даражали аҳамиятга эга деб билмоғи ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Шеърни англаш ўз-ўзини англашнинг ривожланишига ёрдам беради, ахлоқий муаммоларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиради, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзига баҳо бериш учун замин яратади, туйғулар ва кечинмаларга дардқашлик шаклланади, ижтимоий вазиятни тушунишга кўмаклашади. Л.Д.Ермакованинг фикрича, 7-синф ўқувчиларининг шеъриятни эстетик идрок этишга бўлган психологик ҳозирлиги кўпинча унга нисбатан етарлича қизиқишнинг пасайишига кўра содир бў-

¹ Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Т., «Ўқитувчи», 1986. – 92-бет.

² Охунова М. Адабий ўқиш дарсларида эстетик тарбия: Ўқитувчи тажрибасидан. Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. – Т., «Ўқитувчи», 1982. – 32-бет.

лади¹. Ушбу ҳолатлар китобхоннинг шеърятни идрок этишга ҳали тайёр эмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

Нозик психологик мазмуни ва ўзига хос шаклига кўра лирика бадий адабиётнинг идрок учун кийинроқ тури ҳисобланади. Уни бошқа жанрларга қараганда кам ўқийдилар (социологлар келтирган маълумотларга кўра, лирика ўқиладиган бадий адабиётнинг 30,2% инигина ташкил этади)².

Қуйи синфлар ўқувчиларига нарса-буюмларга асосланган тасаввур кўпроқ хосдир.

Шеърда акс этган кайфиятни идрок этишда ҳам муваффақиятлар сезилади. Болалар кўпроқ «шўх», «маъюс», баъзида эса «жуда шўх», «пича маъюс», ... деб баҳо берадилар. Лекин улар шеърдаги кайфиятга мос сўз топиб баҳо бериб ўрганмаган бўладилар. Баъзан шеърда турли кайфият ҳолатлари ифодаланган бўлса, уларни бирлаштириб бир сўз билан аташ ҳам қийин.

Агар шеърда тегишли туйғуни бошидан кечираётган инсон образи мавжуд бўлса, поэтик картинанинг таъсирчанлигини идрок этиш учун енгиллик туғилади.

Шеърда ифода топган кайфият ҳақидаги баҳоларда тасвир объектига, асар мазмунига (йил фасли, табиат ҳодисаси ва бошқалар) болаларнинг шахсий муносабати («ёқимли» ёки «ёқимсиз»; «қизикарли») акс этади.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърый асарларни ўрганиш жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида поэтик тафсилларни ажратиш, ўқувчиларда шоирнинг оламини аниқ табиат ҳодисалари орқали тасвирлаш маҳоратидан баҳраманд этиш,

¹ Ермакова Л.Д. Формирование эстетического восприятия поэзии у учащихся в процессе руководства факультативными занятиями. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 18.

² Матулайтене С.П. Методика изучения структурных и функциональных особенностей стихотворной речи в восьмилетней школе (на основе литовской поэзии). Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 20.

шу жараёнда улар нуткини ўстириш орқали юқори самарадорлик касб этади.

Ҳар бир шоирнинг маҳорати ўзига хос. Бу нарса мавзулар ранг-баранглиги, образлар ёрқинлиги, ифодаларнинг фавқулоддалиги, бадий баркамоллиги, бой рамзийлигида яққол кўринади.

Шеърый асарларни ўрганиш муваффақияти ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқиш ва мойилларига ҳам боғлиқлигини инобатга олмай бўлмайди. Бу борада ўзбек методист олимлари (Т.Бобоев, М.Мирқосимова, Ш.Орифий ва бошқалар), хориж методист олимлари (С.П.Матулайтене, Р.Д.Мадер, Е.Д.Любимова, Л.Д.Ермакова, В.Н.Олешкевич, В.И.Малина ва бошқалар) амалга оширган кузатиш натижалари ҳам етарли маълумот бера олади. Ушбу маълумотларга қараганда, шеърый нутқнинг хусусиятларини фақат VII-VIII синфлардагина етарли даражада тушуниш мумкин¹; ўқувчиларда ҳис-туйғулар тажрибасининг озлиги туфайли шеърга қизиқмайдилар, унинг ифодалилик жиҳатларини етарли англай олмайдилар; шеърнинг образли моҳиятини уқмайдилар V, VII, IX синф ўқувчиларининг шеърларни идрок этиш тавсифи, аввало, ифодали ўқиш кўникмаларига боғлиқ; кичик ёшдаги болаларда айрим образларни ва поэтик манзарани яхлит тасаввур қилиш ва тасвирлаш малакасининг етарлича ривожланмаганлиги кузатилади²; Л.Д.Ермакованинг тушунтиришларига қараганда³, ўқувчилар поэтик ва

¹ Матулайтене С.П. Методика изучения структурных и функциональных особенностей стихотворной речи в восьмилетней школе (на основе литовской поэзии). Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 20.

Мадер Р.Д. Анализ поэтического текста на уроках литературы. – М., «Просвещение», 1979. – С. 94.

Ермакова Л.Д. Формирование эстетического восприятия поэзии у учащихся в процессе руководства факультативными занятиями. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 18.

² Любимова Е.Д. особенности восприятия младшими школьниками поэтических произведений. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1975. – С. 19.



³ Ермакова Л.Д. Формирование эстетического восприятия поэзии у учащихся в процессе руководства факультативными занятиями. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1980. – С. 7-8.

ҳиссий тағ маънони идрок этиш меъёрларига кўра турли савияда бўлишлари мумкин. **Биринчи даражада** (ёки куйи даража) поэтик тағ маъно мисрадаги фикр очиқ ифода қилингандагина идрок этилади, шеъринг образ бир маънодагина англанади, ҳиссий тағ маънони илғаш кузатилмайди. **Иккинчи даражада** (ёки ўрта даража) ҳиссий тағ маънони дастлабки таҳлил орқали илғаш содир бўлади, шоир кечинмалари ҳали анланмайди, шеър мазмунини тушунишда онглилик устун туради, дардкашлик юзага чиқмайди. Тағ маънони ифодалашдаги бадий воситаларнинг роли англанади, лекин муаллиф бадий услубининг ўзига хослиги, шеърнинг умумий услуби бир бутун идрок этилмайди. **Учинчи даражада** (ёки юқори даража) дастлабки ҳиссий умумлашма юзага келади, шоир кечинмалари интуитив (**интуитив** – ички ҳис билан сезиб) ёки онгли равишда идрок этилади, лирик қахрамонга ҳамдардлик пайдо бўлади, ҳиссий тағ маъно чуқур англанади, муаллиф овози интуитив идрок этилади, услуб ҳис этилади, муаллиф услубини асослаш учун тўла анлаган ҳолда бадий шакл таҳлил қилинади.

Аксарият ўқувчиларнинг ўзаро боғланмаган тасаввурлар билан иш кўришлари, уларни ягона бир бутунликка синтезлай олмасликлари образли фикрлашнинг етарли ривожланмаганлигидан далолат беради (17-бет). 4-синф ўқувчиларида, бир томондан, поэтик тасвирга бевосита эмоционал таъсир пасаяди, иккинчи томондан, шеъринг матн мазмунини англашга эътибор кучаяди (17-18-бет). Айрим болаларда идрокнинг деталлашуви ортиши ва шеърларнинг ифодалилик томонларига таъсирчанликнинг ортиши, поэтик тасвирнинг айрим хусусиятларини баҳолаш малакалари ёш хусусиятлари кузатилади¹.

Хуллас, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеъринг асарларни ўрганишда амал қилинадиган назарий-методик асослар образлилик, рамзий

¹Любимова Е.Д. Особенности восприятия младшими школьниками поэтических произведений. Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. М., 1975. – С. 19.



ифодалар, мазмун орқасида яширинган таг маънони идрок этишдаги қийинчиликларнинг моҳиятини ойдинлаштириш имконини берди ва дарснинг асарни ўрганиш босқичини шеър мазмунини ўзлаштиришга эмас, балки эстетик таъсирини узоқроқ сақлаб туришга қаратиш кераклигига ишонч ҳосил қилди.

1.2. Ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганиш аҳволи

Таълим рус, қисман қозоқ ва тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларини кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, ўқувчиларнинг шеърий асарларни ўқиб-ўрганишлари, уларга доир билим, кўникма ва малакалари қай даражада эканлигини аниқлаш билан боғлиқ назорат ишлари амалга оширилди. Бу ишларнинг натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

– русийзабон ўқувчилар ўрганилаётган шеър мазмунини тушуниш учун катта куч ва ғайрат сарф қиладилар, бу йўлда шеърий рус тилига таржима қилиб ўқишга мажбур бўладилар; қозоқ, тожик ва бошқа тиллардаги мактабларнинг ўқувчилари эса нотаниш сўзларнинг камлиги учун дастурий шеърларнинг мазмунини осон тушунадилар, улардан эстетик завқ оладилар, лекин бадий идроклари тўлиқ ва чуқур эмас;

– русийзабон ўқувчиларнинг кўпчилиги шеърий ифодалари (баланд овоз чиқариб) ўқий олмайди, аниқроғи, оддий матнни ўқишга яқинлаштиради, талай талаффуз хатолиғига йўл қўяди, рус тилидаги ифодаларни ўқиш таъсирида ўзбекча шеърларни акцент билан (ритминини бузиб, сўзлар урғусини нотўғри қўйиб) ўқийдилар; қозоқ, тожик ва бошқа тиллардаги мактабларнинг аксарият ўқувчилари шеърий баланд овоз билан ифодаларни ўқий оладилар, лекин ўз она тиллари таъсирида талаффуз қиладилар;

Биз 2-9-синфларда кузатишлар олиб бориб, ўқувчиларнинг шеър мазмунини тушунишларига нималар халақит бераётганини ўргандик ва қуйидагиларни аниқладик:

1. Шеърда янги сўзлардан ташқари маъноси унутилган сўзлар ҳам бўлади.

2. Асарда миллий қадриятлар билан боғлиқ лексика учрайдики, улар изоҳланиши керак.

3. Айрим тасвирий воситаларни англаш қийинчилиги мавжуд.

Аксарият русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги шеърни ифодали ўқий олмасликларига сабаб сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– бир шеърнинг ўзидаги 10 дан ортиқ сўзнинг маъносини билмаслик;

– айрим синтактик қурилиши мураккаброқ мисраларнинг мазмунини умуман тушунмаслик ёки нотўғри тушуниш оқибатида улар мазмунидан таъсирланмаслик;

– шеъринг байтда илгари сурилган таг маънони пайқамаслик;

– шеър орқали шоирнинг нима демоқчи эканлигини (шеърнинг ғоясини) англамаслик;

– миллий қадриятлар асосида яратилган образлилик моҳиятини тушунмаслик.

Шунингдек, шеърларнинг таҳлилидан ташқари, мазмунини идрок этишларини ҳисобга олиб, ўқувчиларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик: 1) шеърни ўзбек болаларига яқин савияда бадиий идрок этадиган ўқувчилар; 2) шеъринг асарни чала-ярим бадиий идрок этадиган ўқувчилар; 3) шеъринг мисраларни бутунлай хато идрок этадиган ўқувчилар.

Юқоридаги ҳолатлар туфайли русийзабон ўқувчилар мазмуни англамаган ҳолда шеъринг асарни ёд олишни ва ёддан айтиб беришни маъқул кўрадилар. Шеърга эстетик баҳо бериш сўралганда, юксак санъат асарига нисбатан ҳам ёқмаганлик аломатини ифода этадилар.

Ўқувчиларнинг шеъринг асарни бадиий идрок этишга доир билим ва малакалари қай даражада эканлигини аниқлаш мақ-

садида тест назорати ўтказилди. Олинган натижаларни жадвалда акс эттирилди (1.2.1-жадвалга қаранг).

1-тест саволи – «Шеърнинг мазмунини тушундингизми?» Ушбу саволга 100 ўқувчининг 51 нафари ижобий жавоб қайтарган. 44 нафари шеър мазмунини тўлиқ тушунмаганлигини, 5 нафари эса умуман тушунмаганлигини эътироф этган.

1.2.1-жадвал

Тест саволларига олинган жавоблар
(100 ўқувчи)

Тестлар ва жавоб вариантлари	Жавоблар сони	Тестлар ва жавоб вариантлари	Жавоблар сони
1.		4.	
а	51	а	52
б	44	б	28
в	5	в	20
2.		5.	
а	53	а	64
б	16	б	26
в	31	в	10
3.		6.	
а	48	а	40
б	34	б	26
в	18	в	6
		г	24
		д	4

«Шеърни ифодали ўқий оласизми?» деган 2-тест саволига 100 ўқувчининг 53 нафари ижобий жавоб қайтарган. 16 ўқувчи шеър мазмунини тушунмаганлиги учун уни ифодали ўқий

олмаганлигини таъкидлаган. 31 ўқувчи шеърларни умуман ифодали ўқий олмаслигини эътироф этган.

3-тест – «Шеър ифодали ўқилганда эстетик завқ олдингизми?». Мазкур саволга 100 ўқувчининг 48 нафари шеър таъсирли бўлгани учун ундан эстетик завқ олган. 34 киши шеър мазмунини тушунмаса ҳам ифодали ўқилишидан завқланган. 18 ўқувчига шеър ёқмаганлиги учун ундан завқ ололмаганлигини таъкидлаган.

«Шоир шеър орқали нима демоқчи эканини англадингизми?» деган 4-тест саволига 100 ўқувчининг 52 нафари «Ҳа, англадим», 28 таси «Айрим мисралар орқали шоир нима демоқчи эканини англамадим, яъни шеърнинг ғоясини тўлиқ англаганим йўқ», 20 ўқувчи «Шеърнинг ғоясини англамадим», деган жавоб вариантларини белгилаган. Бу деган сўз, 48 ўқувчи шеърни қандай оҳангда ўқиш кераклигини ҳал эта олмайди.

5-тест – «Шеърда образли ифодалар бор эканми?». Ушбу тест саволига 100 ўқувчининг 64 нафари «Ҳа, бор экан»; 26 таси б) «Билмадим»; 10 таси «Йўқ экан» жавобларини белгилаган. Демак, 36 ўқувчи шеърдаги образли ифодаларни пайқамаган. Бу ҳам асардан таъсирланмасликка сабаб бўлиши мумкин.

«Шеър сизга ёқдими?» деган 6-тест саволига 100 ўқувчининг 40 нафари «Ҳа, ёқди»; 26 нафари «шеърнинг мавзуси (нима ҳақда эканлиги) ёқди»; 6 нафари «шеърнинг образли ифодалари кўп экан, шунинг учун ёқди», 24 киши «унча ёқмади»; 4 киши «ёқмади» деган жавобларни кўрсатган. Шеърнинг мавзуси ёққан ўқувчиларни шеър ёқмаганлар сирасига киритиш ҳам мумкин. Шундай бўлганда, улар 54 ўқувчини ташкил этади. Шеър санъат асари сифатида ёшларга манзур бўлиши учун мазмуни, образли ифодалари, ғояси англолмоғи керак.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ўқувчиларни бадиий идрок этиш орқали шеърдан эстетик завқ олишларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– турли сабабларга кўра ўзбек тилидаги шеър мазмунини етарли ёки умуман тушунмаслик, бадий идрок эта билмаслик туфайли ундан эстетик завқ ола олмайдиган ўқувчилар;

– шеърнинг айрим мисраларида ётган тағ маънони англаш, ифодалилигидан таъсирланиш туфайли шу мисралардангина эстетик завқ оладиган ўқувчилар;

– шеърнинг ғоясини озми-кўпми тўлиқ англаб, образлар тизимини тушуниш асосида тўлиқ эстетик завқ ола биладиган ўқувчилар.

Шаҳар, туман марказидаги мактабларда таълим олаётган русийзабон ўқувчиларнинг аксарият қисмини биринчи гуруҳга, озроқ қисмини иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. Учинчи гуруҳга мансуб ўқувчилар кам.

Қозоқ, тожик ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчилар орасида иккинчи гуруҳга мансублари кўпчиликни ташкил этади; иккинчи гуруҳга киритиш мумкин бўлганлари ҳам оз эмас. Биринчи гуруҳ ўқувчилари ниҳоятда кам.

Қозоқ, тожик ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги ўзбек тили дарсларининг имкониятлари ва илғор ўқитувчиларнинг шахсий ташаббуслари, илғор иш тажрибалари доирасида бўлади. Ўзбек мактабларининг адабиёт дарсларида бугунги кунда қўлланаётган адабий таълим мазмуни ва методлари билан ўзбек тили дарсларида ўқитувчи фойдаланаётган иш усулларида катта тафовут бор. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди, албатта, чунки ушбу фарқни мутахассис бўлмаган киши ҳам кўра олади.

Авваламбор, шуни айтиш мумкинки, ўзбек мактабларида ҳам шеърний асарларни ўрганишда қийинчиликлар йўқ эмас. Қолаверса, ўқувчилар бундай асарларни янгиланган таълим мазмуни ва методлари асосида ўрганадилар. Мукаммал савол ва топшириқлар тизими орқали шеърний санъатлар ҳақида мукаммалроқ билим оладилар, мустақил фикрлашни машқ қиладилар. Лекин таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни бу тарзда

Ўқитиш ишларини талай омилларга кўра амалга оширишнинг иложи бўлмай турибди.

Хуллас, таълим рус, қozoқ ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг шеърий асарларни ўрганишлари ўқув фанининг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади, бу имкониятлар эса хануз тўлиқ ишга туширилганича йўқ. Русийзабон ўқувчиларнинг шеърий асарлар юзасидан эгаллаётган билим, кўникма ва малакалари онгли равишда ифодали ўқиш учун етарли бўлмай, улар ўқилаётган асарнинг мазмунини тушуниш йўлида кўпроқ уни рус тилига таржима қилиш билан машғул бўлмоқдалар.

Қozoқ тилида сўзловчи ўқувчилар нотаниш деб ҳисоблайдиган сўзлар камроқ. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг «Оддий муаллим» шеъридаги *беҳашам, зот, хокисор, тир (им), машҳури дунё, тили бурролар, сўз ўйнатган, қоқинса* сўз ва сўз бирикмаларининг маъносини кўпчилик ёшлар тушунмадилар. Ойбекнинг «Оқшом юлдузи» шеърида эса бундай сўзлар ва сўз бирикмалари яна ҳам кўп бўлди: *лаҳза, катида, мафтун, бутоқ, илинганди, сокин, рўёсида, сузгун, нигоҳ, бўса.*

Умуман олганда, ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга шеърий асарлар асосида адабий таълим бериш, уларнинг тарбиясига таъсир этиш талаб даражасида эмас деб ҳисоблаш учун барча асослар бор. Бу ҳолат «Ўзбек тили» дастур ва дарсликларидидаги камчиликлар туфайли юз бермоқда. Дастур ва дарсликлар таҳлилидан аввал концепция ва давлат таълим стандартлари талабларини кўриб чиқиш жоиз кўринади.

Концепция йўриқлари, стандарт талаблари

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўқув фанлари бўйича концепциялар, давлат таълим стандартларини яратиш билан характерланади. «Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси» лойиҳаси 1992 йили яратилган. Ушбу лойиҳа

икки қисмдан иборат бўлиб, унинг иккинчи қисми¹ ўзбек адабиётини ўқитиш йўриқларини ифода этади. Бу ердаги тавсиялар адабиёт ўқитиш, бадий асарларни ўқиш юзасидан умумий тарзда баён этилган, равшанки, шеърый асарлар ҳақида алоҳида сўз юритилмаган. Концепцияда бундай дейилади: «Ўқувчи ўзбек тилидаги бадий асарни ўқиш жараёнида матн мазмунини тушунишдан ташқари уни образли идрок этмоғи керак. Ифодали ўқиш асарни образли идрок этишга ёрдам беради. Ўқувчиларни асар матнидан образларни (манзараларни, картиналарни) кўра билишга ўргатиш, уларда ички кечинмалар уйғота билишга эришиш даркор» (19-бет.) «Ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришда уларни ўзбек тилидаги бадий тасвир усуллари билан таништириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, рус адабиётини ўрганиш жараёнида ҳосил қилинган малакалар назарда тутилмоғи лозим» (20-бет).

Концепциянинг ХТВ томонидан тасдиқланган варианты «Таълим рус тилида олиб бориладиган синф(гурух)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси» деб номланади. Кўриниб турибдики, ўқув фанининг аталишида адабиёт сўзи қатнаштирилган. Бу ерда шеърый асарлар ҳақида гапирилмаган, бадий асарларни ўрганиш хусусида умумий йўриқлар берилган. Чунончи, ундаги талаблар ичида «Изоҳли ўқиш орқали бадий асардан олинган парча мазмуни ва унинг тил хусусиятлари англатилади, матни ифодали ўқиш ва образли идрок этиш кўникмаси шакллантирилади»² деган талаб ўз аксини топган. Шубҳасиз, ушбу талаб шеърый асарларни ўрганишга ҳам тегишли.

Концепция билан олдинма-кейин таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун «Ўзбек тили» ва «Ўзбек

¹ Йўлдошев Р.А. Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси (лойиҳа). - Т., ЎзПФТИ, 1992. - 21-бет.

² Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф (гурух)ларда ўзбек тили ва адабиётни ўқитиш концепцияси // «Тил ва адабиёт таълими» журнали. - 1994. - 4-6-сон. - 21-24-бет.

адабиёти» давлат таълим стандартлари яратилган¹. «Ўзбек тили» ДТСи асосан русийзабон ўқувчиларга мўлжаллаб тузилган бўлиб, адабий материалларга доир талабларни ҳам ўзида акс эттирган. Унда талаб этилишича, бошланғич босқични битирувчи ўқувчилар «шеърни, бадий парчани ифодали ўқий олишлари, синфда ва синфдан ташқари ўрганилган 20–25 та шеърни ёддан айта билишлари», «воқеа-ҳодисаларга ва асар қахрамонларига муносабат билдирган ҳолда тушуниб ўқишлари» (254-бет) керак. Кўришиб турибдики, талабларда шеърый асарни бадий идрок этишга ўргатиш кўзда тутилмаган.

Умумий ўрта таълим босқичини битирувчилардан қуйидаги билим ва малакаларни эгаллаш талаб этилади: «Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари, XX аср замонавий ўзбек адабиётининг йирик намояндалари, халқ кўшиқлари, ривоятлари ва латифалари. Ғазал, рубоий, дoston» (258-бет).

Шунингдек, битирувчилар: «Бадий асарни (ёки ундан олинган парча), шеърни ифодали ўқий олишлари. V–IX синфларда ўрганилган шеърлардан 50 га яқинини ёддан ифодали айта билишлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан (мақол, топишмоқ, кўшиқ, матал) айта олишлари. Матнни тил хусусиятларини изоҳлаган ҳолда ўқишлари» (261-бет) лозим.

Маълум бўладики, ушбу «Ўзбек тили» ДТСида шеърый асарларга доир талаблар уларни ифодали ўқиш, ёд олиш, тил хусусиятларини изоҳлашдан иборат. Бизнингча, минимал талабларда бадий образлар, муаллиф кайфияти, позицияси (пафоси), шеърый асарга сингдирилган тағ маъно ва ғоя, ўқувчиларнинг шеърга берадиган баҳолари ва бошқа бир қатор масалалар ўз аксини топмаган. Бинобарин, уларни ДТСда ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқ эди.

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек тили (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). Муаллифлар: Р.Йўлдошев, А.Рафиев, М.Рихсиева, Д.Тошхўжаева, Д.Нуриддинова. «Таълим таракқиёти» ахборотномаси: 1-маҳсул сон. – Т., «Шарк» нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 246–261-бет.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган «Ўзбек адабиёти» давлат таълим стандартида¹ таълим бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсади *маънавий дунёси бой, ўзбек халқининг ахлоқий қадриятларини биладиган, шу боис, ўзбекларни чуқурроқ англайдиган қалби уйғоқ ўзбекистонликни тарбиялашдир* (158-б.) деб кўрсатилади.

Ушбу стандартда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта мактаб битирувчисининг биз методикасини тадқиқ этаётган шеърий асарларга доир билими, кўникма ва малакаларига нисбатан кўйилган талабларни куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин: ўқувчи шеърий асарларни ифодали ўқий олиши; жанрларни (халқ кўшиғи, шеър, рубоий, туюк, китъа, ғазал, достон) билиши, ўз адабиёти билан таққослай олиши, ўз тушунчаси доирасида мустақил шарҳлай олиши; бадиий асар тимсолларига (айниқса, мумтоз адабиёт намуналаригаги ошиқ ва маъшуқа тимсолига) оғзаки ва ёзма таъриф бера олиши; шеърнинг зарур жиҳатини очиб берувчи унсурларни топа олиши; шеърий асар қаҳрамонларига ёзма ва оғзаки тавсиф бера олиши; таҳлил қила олиши; луғатдан фойдаланиши; ўзбек халқига хос бўлган эстетик-психологик хусусиятларни ажрата олиш ва ўз халқи хусусиятлари билан таққослаши керак бўлади (159-161-бетлар).

Аён бўладики, «Ўзбек адабиёти» ДТСида ўзбек мактабларининг «Ўзбек адабиёти» ДТСига яқин талаблар илгари сурилган. Бу талаблар кўпроқ таълим рус тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Лекин айти шу талабларнинг ўзи русийзабон ўқувчилар учун минимал эмас, балки максималдан ҳам юқори саналиши жоиз.

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек тили (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). Муаллифлар: Р.Йўлдошев, А.Рафиев, М.Рихсиева, Д.Топхўжаева, Д.Нуриддинова. «Таълим тараққиёти» ахборотномаси: 1-махсус сон. - Т., «Шарк» нашриёт-матбаа концерни, 1999. - 246-261-бет.

Мазкур ДТСдаги «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг IX синфини битирувчиларга ўзбек адабиётидан қўйиладиган талаблар» да эгалланиши лозим бўлган кўникма ва малакалар сираси ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, русийзабон ўқувчиларга мос келмайди. Масалан, бирор халқ дostonини ўқиб, тимсолларини ва асарда ўз ифодасини топган халқ орзу-истакларини очиб бериш ўзбек тили дарсида амалга ошириш мумкин бўладиган иш эмас. Ўзбек тили дарсида дostonдан мўъжазгина парча ўқилиши мумкин. Дostonнинг тўлиқ матнини эса дарсдан ташқари ўқиш тарзида ташкил этиш тўғри бўлади. Бу ишни таълим рус тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари уддалай оладилар. Шунда ҳам ўқитувчининг изоҳларисиз аксарият ўринларни тушуниш бу ўқувчилар учун ҳам оғирлик қилади.

Хуллас, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун «Ўзбек тили» ва «Ўзбек адабиёти» давлат таълим стандартлари талаблари жиддий равишда қайта кўриб чиқилиши ва рус, козoк, тожик ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчиларнинг имкониятлари доирасида қайтадан белгиланиши керак.

«Ўзбек тили» дастур ва дарсликлари таҳлили¹

1990 йилгача бўлган давр дарсликларида шеърларнинг бадиий жиҳатлари ўрганилмаган. 1993 йили ХТВ томонидан тасдиқланган IV-XI синфлар «Ўзбек тили» дастурининг² «Ўқитириш хати» да илк бор шеърый асарларни ўрганиш хусусида умумий тарзда тавсиялар баён этилади. Ушбу тавсияларга кўра русийзабон ўқувчиларни шеърый асарни ўқишга лексик ва

¹ Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилидан шеърый асарларни таълаш, шу мактаблар учун яратилган «Ўзбек тили» дастури ва дарсликларида берилган шеърый асарлар қандай берилгани ҳақида тўхталмадик. Бу масалалар методист олимлар Р.Ниёзматованинг номзодлик диссертацияси, Қ.Хусанбоеванинг илмий макола ва рисоаларида махсус ёритилган.

² Мактаб программалари. Ўзбек тили ва адабиёти: Ўқишлар-рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4-11-синфлари учун. – Т., «Ўқитувчи», 1993. – 44-бет.

грамматик жиҳатдан тайёрлаш, шеърни тушуниб тинглашни таъминлаш мўлжалланади. Лекин бу ерда шеър устидаги тахлилий ишлар, ўқувчиларни шеърни бадиий идрок этишга ўргатиш ҳақида ҳеч нарса дейилмайди.

Мазкур «Ўзбек тили» дастури асосида тузилган дарсликлар орасида шеърый материалларни ўрганишга нисбатан янгича ёндашув жорий қилинган икки дарсликни алоҳида тилга олиш жоиз. Р.Йўлдошев, А.Саидниёзова муаллифлигида яратилган 5-синф «Ўзбек тили» дарслигида¹ шеърый асарлар қуйидаги материалларда ўз ифодасини топган:

1. Шеър берилган параграф бошида ёки аввалги параграфда унга доир луғат «Янги сўзлар билан танишинг» деган топшириқ остида тавсия қилинган.

2. «Ифодали ўқинг», «Ифодали ўқинг ва ёд олинг» деган топшириқ билан шеърнинг ўзи жойлаштирилган.

3. Шеърдан кейин унинг мазмунига доир саволлар келтирилган.

Масалан, «Яхмалак» шеърдан олдин 16 та сўздан иборат луғат жой олган. Шеърдан кейин қуйидаги саволлар ҳавола қилинган: Тизза бўйи қор ёғадими? Кўчангизда муз тепа борми

Лекин аксарият шеърлардан кейин саволлар тавсия қилинмаган.

Р.Йўлдошев, М.Рихсиева, В.Усмонова, М.Эргашева муаллифлигида чоп этилган «Ўзбек тили» дарслигида ҳам русийзабон ўқувчиларни шеърый асар мазмунини тўлиқ тушуниб ўқишга тайёрловчи материаллар аввал келтирилган. Масалан, Ҳ.Бозорнинг «Сўзи дур ўқитувчим» шеърдан олдин «Янги сўзларнинг таржимасини эслаб қолинг» деган топшириқ остида шу шеърга доир қуйидаги луғат берилган:

¹ Йўлдошев Р., Рихсиева М., Усмонова В., Эргашева М. Ўзбек тили (Рус мактабларининг 6-синфи учун). – Т., «Ўқитувчи», 1995. – 128-бет.

Йўлдошев Р.А., Саидниёзова А. Ўзбек тили (Рус мактабларининг 5-синфи учун). – Т., «Ўқитувчи», 1992. – 145-бет.

дур – жемчуг	нур – луч, свет
илк бор – впервые	ҳақиқат – правда
қалб, дил – сердце, душа	зиё – свет
устоз – учитель, наставник	миннатдор – благодарный
мос – соответствующий	айтгани – сказанное (им)

Лугатдан сўнг эса «Рус тилига таржима қилинг» деган топшириқ билан қуйидаги учта гапли машқ берилган:

1. У кўзимни очди (очган).
2. Ўқитувчи қалбимга зиё сочди (сочган).
3. Ёд олдирган китоби - ҳақиқатнинг офтоби.

Тушуниш учун бирмунча қийинлик қиладиган ушбу гаплар «Сўзи дур ўқитувчим» шеърдан олинган бўлиб, шеърин мисралар («Илк бор кўзимни очган, Қалбимга зиё сочган», «Ёд олдирган китоби - Ҳақиқатнинг офтоби») юқоридаги жумлалар кўринишида тақдим этилган. Натижада, айниқса, гаплар мазмуни жиҳатдан ва таг маъносига кўра таҳлил қилиб ўқилган ва таржима қилингандан сўнг ўқувчилар шеърни эстетик идрок этишга тайёргарлик кўрган бўладилар.

Шеърга доир юқоридаги каби материаллар ё бир параграф олдин, ёки шеър берилган параграфда шеърдан аввал жойлаштирилган. Иккала ҳолатда ҳам мақсад битта – русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги шеърни тушуниб ўқишлари ва эстетик идрок этишларини таъминлаш. Албатта, бир параграф олдин бошланадиган бу ишлар самараси сезиларлироқ бўлиши аниқ.

Лекин Р.Йўлдошев бошчилигида 1993 йилги дастур асосида яратилган дарсликларда ифодали ўқишга ўргатиш шеърин мисраларнинг таг маъносини, шеърнинг ғоясини англаш, образлар тизимини, ҳис-туйғулар, кечинмаларни билиб олиш асосига қурилмаган. Бундан ташқари, шеърга доир савол ва топшириқлар русийзабон ўқувчиларни шеърин асарни таҳлилга тайёрлаш мақсадини кўзда тутмаган.

Ушбу дастур 1995 йили қайта ишланиб, 2-лойиха сифатида¹, сўнгра 1998 йили синов варианты² деб эълон қилинган «Ўзбек тили ва адабиёти» дастурида шеърий асарларни ўрганиш мазмуни бойитилгани ҳолда методик кўрсатмаларда ўзгариш юз бергани йўқ.

Шунингдек, II–XI синфлари учун тузилган «Ўзбек тили ва адабиёти» дастури асосида яратилган 2-, 4-, 8-синфлар «Ўзбек тили» дарсликларида ҳам шу методик қурилиш давом эттирилган. Масалан, 4-синф дарслигидаги 21-§ да кейинги параграфда ўқиладиган «Олтин қишлоқ» шеърига доир лўғат келтирилган. Бу лўғатда *чаман, хилма-хил, ога-инидай, тўкин-сочин, сурув-сурув, дангиллама уй, нурли, обрўли* сўзлари акс этган.

Лекин 1998 йилги дастур³ асосида яратилган дарсликларда шеърга доир савол ва топшириқлар русийзабон ўқувчиларни шеърий асарни таҳлилга тайёрлаш мақсадини кўзда тутмаган, уларнинг аксарият қисмида шеърни ифодали ўқиш ва ёд олиш талаби илгари сурилган. Фақат 8-синф «Ўзбек тили» дарслигидагина савол ва топшириқлар пухта ўйлана бошлаган. Масалан, Чўлпоннинг «Кўнгил» шеъри юзасидан қуйидаги савол ва топшириқлар тузилган: 1. Шоир мурожатининг мазмунини тунштириб беринг. 2. Нима учун шеър «Кўнгил» деб номланган? 3. Биринчи банднинг мазмунини шарҳлаб беринг. 4. «Кишан кийма, Бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғилғонсан!» мисраларида қандай маъно бор?

Аён бўладики, шеърий мисралардаги таг маъно, шеър ғояси, образлар тизими, эмоционал ғояга ишора бўлса-да, бу

¹ Мактаб дастурлари. Ўзбек тили ва адабиёти. Рус мактабларининг II–IX синфлари учун. – 2-лойиха. – Т., ЎзПФТИ, 1995. – 49-бет.

² Мактаб дастурлари. Ўзбек тили ва адабиёти: Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг II–IX синфлари учун синов дастури. – Т., РТМ, 1998. – 28-бет.

³ Мактаб дастурлари. Ўзбек тили ва адабиёти: Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг II–IX синфлари учун синов дастури. – Т., РТМ, 1998. – 28-бет.

ишлар шеърни ифодали ўқишга тайёрланиш жараёнида эмас, балки шеър таҳлили жараёнида бажарилиши режалаштирилган. Ваҳолонки, ифодали ўқишнинг онгли бўлиши учун айти шу хилдаги маълумотлар зарур.

Баъзи ўринларда тасвирий воситаларни аниқлашга доир ҳам топшириқлар ўз ифодасини топган. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонидан берилган парчага оид савол ва топшириқлар орасида қуйидаги вазифани ўқиш мумкин: «Парчадан ўхшатиш ва сифатлашга мисол топиб, дафтарингизга кўчириб олинг». Ёки: Уйғуннинг «Тонг» шеъри юзасидан «Шоир бадий ифода воситаларидан қандай фойдаланган? Мисоллар келтиринг».

Профессор Р.Т.Толипова раҳбарлигида ўқишлар бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг II-XI синфлари учун ўзбек тилидан яратилган дастур адабий материаллар мазмунини кенгроқ белгилашда навбатдаги йирик қадам бўлди¹. Унда ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти намуналари ўзбек тили дарслари (мавзулари) таркибида берилди, адабиёт алоҳида ўқув фани сифатида ажратилмади.

Юқоридаги дастур асосида яратилган 2-4-синф «Ўзбек тили» дарсликларидан² адабий материаллар дастурдан қисман фарқли равишда тақдим этилган. Уларни айрим синфлар кесмасида кўриб чиқамиз (1.2.1-, 1.2.2-, 1.2.3-жадвалларга қаранг):

¹ Толипова Р. ва бошқалар. Умумтаълим мактаблари дастурлари: Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. - 1999. - 1-сон. - 262-302-бет.

² Tolipova R., Qodirova F., Ikromova N., Is'hoqova M. O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik. - T., «O'qituvchi», 2001.

Tolipova R., Is'hoqova, O'zbek tili, Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik. 2-nashri. - T., «O'qituvchi», 2002.

Tolipova R., Ubaydullayeva N. O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun darslik. - T., «O'qituvchi», 2001. - 144-bet.

2-синф «O‘zbek tili» дарслигида¹ [129]

Дарс	Шеър номи	Муаллиф	Неча мисра	Луғатда нечга сўз	Ифодали ўқиш	Ёд олиш
15.	Қиш	Ш.Саъдулла	8	-		
16.	Топишмоқлар		16	-		
18.	Озода қиз Озода	-	10	-		
19.	Эрта тур	М.Ниёзмуродов	8	-		
20.	Бувижонимга	Ҳ.Исоқова	8	-		
21.	Ҳисоб дарси- да Сарлав- хаси йўқ	Т.Раҳимова Т.Раҳимова	12 8	-		
22.	Наврўз байрами	Р.Толиб	8	-		
23.	Топишмоқлар		20	-		
24.	Кўрганимиз эчкими?	П.Мўмин	24	-		
25.	Ҳайвонот боғида		16	-		
26.	Устаман	О.Абдурахмон	11	-		
28.	Тошкентим	-	4	4		
29.	Ўзбекистон	Қ.Ўтаев	8	-		

2-синфдаёқ 23 та шеър тавсия қилинган. Бу шеърлар энг
ками 4 мисра, энг кўпи 24 мисрани ташкил этади. Фақат

¹ Ихчамлик учун жадалда 15-29-дарсларнигина камраб олдик.

«Тошкентим» шеърига 4 сўздан иборат лугат берилган. Ифодали ўқиш талаб этилмаган, ёд олиш, кўзда тутилмаган. Дарсликнинг бундай методик структурасида шеърий асарлар ўзбек тилини ўрганиш воситасига айлантирилгани яққол сезилиб туради. Шунда ҳам, шаклан ва мазмунан (адабий таълим нуқтаи назаридан эмас) улар русийзабон ўқувчиларни эмас, балки қозоқ, тожик ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчиларни қаноатлантириши мумкин.

1.2.2-жадвал

3-синф «O'zbek tili» дарслигининг 12-28-дарсларида [131]

Дарс	Шеър номи	Муаллиф	Неча мисра	Лугатда нечта сўз	Ифодали ўқиш	Ёд олиш	Мазмунини сўзлаш	Саволларга жавоб бериш	Мазмунга доир фикр айтиш
12.	Тортиламан турникда	Қ.Ўтаев	12	6					
13.	Ханда. Сўнгги хабар. Қиш бўлсин	Абдурахмон Акбар	9 12	- 4					
14.	Салом, янги йил!	Илёс Муслим	12	4					
15.	Топ, ўртоқ!	Сафо Очил	12	-					
16.	Топишмоқ (мушук) Жужаҳўроз	П.Мўмин Қ.Ўтаев	4 8	- 6					

17.	Тимсоҳ	К.Турди-ева	8	6					
18.	Турғун тоғам	Обид Расул	16	-	+	-	+		
19.	Доно	Асқар Қосим		6	+	+	-		
20.	Бувижоним (қўшиқ)	Й.Суюнов	12	-	-	+	-		
21.	Лола	Илёс Муслим	12	3	+	+	+		
22.	Наврўз келди	П.Мўмин	14	9					
25.	Раҳмат	С.Очил	12	4				+	
26.	Лайлак келса	А.Кўчимов	17	3	+	+	+		
27.	Минг яшанг	-	14	8	+	+	+		
28.	Ўзбекистон (қўшиқ)	Н.Нарзуллаев	16	8	+	+	+		

1.2.3-жадвал

4-синф «O'zbek tili» дарслигининг 12-29-дарсларида [133]

Дарс	Шеър номи	Муаллифи	Неча мисра	Луғатда нечта сўз	Ифодали ўқиш	Ёд олиш	Мазмунини сўзлаш	Саволларга жавоб бериш	Мазмунга доир фикр айтиш
12.	Футболчилар	П.Мўмин	12	7	+	-	+		
13.	Қор	З.Диёр	19	9	+	-	+		
14.	Қорбобо	Уйғун	12	6	+	-	+		

15.	Янги йилим – яхши йилим (кўшиқ)	П.Мўмин	16	-	-	-	-		
16.	Музқаймоқ еб озгина	П.Мўмин	14	14	+	-	-	+	
17.	4 мисра шеър Тўрт фасл.	Уйғун Т.Йўлдош	- 8	- 6	- +	- +	- -	- +	- -
19.	Баҳор	-	16	14	+	+	-	+	-
20.	Онажонлар байрами	Н.Тош- пўлат	8	9	+	-	-	+	-
21.	Лайлак	Уйғун	8	9	+	+	-	+	-
22.	Наврўз	М.Хаса- нов	10	9	+	-	-	+	-
23.	Ота-онамга (кўшиқ)	Т.Раҳи- мов	12	-	-	-	-	-	-
25.	Китоб дейди	-	8	11	+	+	-	-	+
26.	Она шаҳрим Тошкентим	С.Юсу- пова	16	8	+	-	-	-	+
27.	Тинчлик Тинчлик бўлсин	З.Саго- рова Т.Убай- дулла	16 16	- 11	+	-	+	-	- +
28.	Юртим	М.Қоди- рий	12	12	+	+	+	-	-
29.	Ватанжоним – Ватаним (кўшиқ)	П.Мўмин	8	-	-	-	-	-	-

3-синф дарслигида 27 та шеър тавсия қилинган. Бу шеърлар энг кичиги 4 мисра, энг каттаси 18 мисрадан иборат. 8 та шеърга луғат берилмаган. Бошқа шеърларга энг ками 3 та сўз, энг кўпи 9 сўздан иборат луғат ҳавола этилган. 18-дарсдан

кейинги шеърларга «Ифодали ўқинг», «Ёд олинг», «Мазмунини сўзлаб беринг» деган топшириқлар мавжуд. Фақат «Раҳмат» шеъригагина «Саволларга жавоб беринг» деган топшириқ берилган. Шеър мазмунига доир фикр айтиш талаб қилинмаган.

4-синфда 29 дарсга 28 та шеър тўғри келган. Шеърларнинг катталиги 4 мисрадан 26 мисрагача. 8 та шеърга луғат берилмаган. Қолганларида энг ками 5 сўздан энг кўпи 14 тагача сўздан иборат луғат келтирилган. Аксарият шеърларга доир «Ифодали ўқинг», «Ёд олинг», «Мазмунини сўзлаб беринг» деган топшириқлар берилган. 6 та шеър юзасидан «Саволларга жавоб беринг» деган топшириқ жой олган. 3 тагина шеърнинг мазмунига доир фикр билдириш сўралган.

Демак, 2-синфда деярли ҳар дарсда биттадан шеър берилган. Шеърларга эътиборнинг бу қадар жиддий эканлиги таҳсинга лойиқ. Лекин 2-синф учун шеърлар миқдор жиҳатдан кўплик қилиши мумкин.

Умуман олганда, 2–4-синфлар «O‘zbek tili» дасрликларида шеърий асарнинг бадиий образлари, қурилиши, тил хусусиятларини ўрганиш кўзда тутилмаган. Шу боис 2–4-синф ўқувчиларининг имкониятларини ўрганиш зарурияти туғилади.

Амалдаги 5–7-синфлар «Ўзбек тили» дарсликларида ҳам¹ шеърий материаллар кўп. 7-синф «Ўзбек тили» дарслигида салмоқдор ғоялар, эл-юрт учун муҳим ҳаётий (ижтимоий) муаммолар кўтарилган қатор шеърий асарлар ҳавола қилинган:

Х.Олимжон, «Ўзбекистон» шеъри (50 мисра); Зулфия, «Мактаб очилди» (7 банд), «Олтин куз» (20 мисра); М.Юсуф,

¹ Muhitdinova X., Ikromova N. O‘qituvchi kitobi. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 8-sinfi uchun o‘quv-uslubiy qo‘llanma. – T., «O‘qituvchi», 2004. – 152-bet.

Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Qosimxo‘jayeva D. Ta’lim qozoq tilida olib boriladigan umumta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To‘ld. 3-nashri. – T., «Sharq», 2005. – 192-bet.

Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Umarova F., Shomirzayeva M., Qosimxo‘jayeva D. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. – T., «O‘qituvchi», 2001. – 176-bet.

Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. To‘ldirilgan 2-nashri. – T., «Sharq», 2005. – 144-bet.

«Оддий муаллим» (24 мисра); Э.Воҳидов, «Она тилим ўлмайди» (12 банд); Ғ.Ғулом, «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» (5 банд); Ойбек, «Оқшом юлдузи» шеъри (13 банд); А.Орипов, «Ўзбекистон» (50 мисра).

Ҳ.Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърида бадиий образлар асосан кўрсатмалилик асосида яратилган: «қорли тоғлар», «гул водийлар», «кип-қизил лола», «ёқут пиёла», «пишқирган сел», «булбул китоб ўқийди» каби. Шеър лексик ва грамматик жиҳатдан русийзабон ўқувчилар билими, малакалари, нутқий кўникмаларига бирмунча мос келади. Тасаввурлари, тушунчалари бу ердаги тасвирий воситаларни англаш имконини беради.

Муҳаммад Юсуфнинг «Оддий муаллим» шеъри ҳам 7-синф дарслигига киритилган. Бу ерда «тупрокдек хокисор», «безовта жон», «қаноатда тоғдек улуғвор», «пирим», «этагин ўлган», «ғуссага ботмоқ» сўзлари ва тасвирий ифодалари, ўзбек халқининг удумлари; Машраб, Ҳусайн, Ибн Сино, Абдулло каби тарихий шахслар номлари келтирилган. Русийзабон ўқувчи пир этагининг нима учун ўпилишини шарқона миллий маънавият орқали билмоғи, тилга олинган шахслар ҳақида тасаввурга эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда кутилган таъсирланиш юзага келмайди. «Қаноатда тоғдек улуғвор» мисрасида англаш қийинчилиги йўқдай туюлиши мумкин. Лекин 7-синф ўқувчиси юксак инсоний фазилат – қаноатнинг нима эканлигини чуқур англаб ета олмайди. Шунинг ўзи мисрадаги тағ маънони тушунарсиз қилиб қўяди.

Агар лирик асар ўрта синфларда ўрганиладиган бўлса, у ҳолда бу ёшда лирика, айтишларича, қийинроқ қабул қилинади. Одатда, унда теварак-атрофдаги олам ўрнига кўпинча ички, маънавий олам тасвирланади. Кейингиси ҳақида эса бу ёшдаги ўқувчилар ғоятда қоронғи тасаввурга эга бўладилар. Бундан ташқари, лирикани ўқиш дардқашликка асосланади, ўзгалар туйғулари ва ўйларига шерик бўлишга ҳаётда ўзи нималарнидир бошидан кечирган ва синашта бўлган одам қодирдир.

Ниҳоят, поэзия эмоциянинг муайян маданиятини талаб қилади, вояга етмаган ёшларда айни шу нарса етишмайди ¹.

Э.Воҳидовнинг «Она тилим ўлмайди» шеъри – бадий юксак санъат асари. Кўтарилган муаммо ҳам ҳаётий, долзарб. Лекин уни 7-синфда ўрганиш мумкинми деган савол туғилса, «Қийин» деган жавоб билан кифояланишга тўғри келади. Ўқувчи ундан таъсирланиши учун қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини; номларни, шу номлар орқасида турган буюк шахсларни; тилга олинган асарларни билиши шарт: тақдир, «жаҳоний ирода», озар, армон қилмоқ, жонига қасд этмоқ, беқадр, ҳаловат; Данте, Шиллер, Байрон, Фирдавсий, Бальзак, Тагор, Хайём, Беранже, Неруда, Лорка, Сервантес, Фузулий; «Фаус», «Хамса». Бола ёзувчи ва шоирларни, асарларни билишигина эмас, нақадар улугъ эканлигини ҳис эта олиши керак.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида маълум миқдордаги шеърий асарлар ўрганилади. Лекин бу шеърларнинг бадий-эстетик қиймати бир хил эмас. Бирида риторика устун бўлса, бирида бадиият устун.

Русийзабон ўқувчи учун мўлжалланган шеърий асарларни танлаш ишларида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, Ойбекнинг «Оқшом юлдузи» шеъри лирик тасвирни ифода этади. Лекин унда русийзабон ўқувчи илғаши қийин бўлган тафсиллар бор: «кўк ойнасидан», «кўнглимга шивиллайсан», «сендан оқадди фусун», «булутларнинг қоп-қора бахмали», «Кўз ёшим қатрасига кирдинг», «илҳом рўёсида», «сузгун нигоҳ», «Ёнди сеҳрли оҳинг!», «Кўнгиларни уладинг», «олтин бўса», «дудоклардан сачрадинг», «Оташи ёқар ҳали».

Шеърий асарларни танлашнинг дидактик асосларидан яна бири уларнинг катта-кичиклигидир. Битта дарсликда берилган

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. – М., «Просвещение», 1991. – С. 174.

шеърий асарларнинг энг кичик ҳажми 20-24 мисрани ташкил этса, энг катталари 50 мисрадан зиёд. Масалан, Зулфиянинг «Олтин куз» шеъри 20 мисрадан, М.Юсуфнинг «Оддий муаллим» шеъри 24 мисрадан, Ҳ.Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри 50 мисрадан иборат. Бизнингча, русийзабон ўқувчилар учун мўлжалланган шеърлар кичикроқ бўлгани маъқул.

Шеърда учраган янги сўзлар луғат дафтарига ёздирилади, улар иштирокида сўз бирикмалари тузадилар. Кейин шеър билан танишадилар. Аввал Э.Воҳидов (ёки бошқа шоир) ҳақида қисқача маълумот берилади, 3-4 ўқувчига ўқитилади, шеър мазмуни сўзлатилади¹.

Бу ўринда Н.В.Кулибинанинг қуйидаги фикрини эслатиш масалага муайян даражада ойдинлик киритади: «Тил ўрганиш жараёнида бадий адабиёт намуналарини ўқиш, эшитиб мазмунини тушуниш, таҳлил этиш, таржима қилиш ва бошқа ишлар учун матн материали сифатида фойдаланилади. Шу боисдан кўпгина методистлар тил машғулотларида бадий адабиётдан фойдаланишга татбиқан бадий асар эмас, балки бадий матн ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади, деб кўрсатадилар»². Ўзбек тили дарсларида тил ўрганиш мақсадигина кўзда тутилган шеърни асар эмас, ўқув матни деб аташ тўғри бўлади.

5-8-синф «Ўзбек тили» дарсликларида янги лексик ва грамматик материаллар шеър ўрганиладиган дарсда тушунтирилган. Савол ва топшириқлар тизими эса изоҳли ўқиш, асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш сари етарлича йўналтирилмаган. Шеърий асарлардаги талай сўзлар ва иборалар изоҳланмаган. Уларни билмаслик шеърдан таъсирланмаслик учун сабаб бўлади.

¹ . Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. – М., «Просвещение», 1991. – С. 174.

² Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над художественным текстом. – М., Русский язык, 1987. – С. 142.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ҳар қандай (истаган) шеър эстетик завқ уйғотавермайди. Бадий савияси юқори бўлмаган шеър кечинма уйғотмаслиги мумкин. Бундай шеърлар русийзабон ўқувчиларда ўзбек шеърларига нисбатан салбий муносабат юзага келтиради.

Баъзан шеърый асарни танлаганда ўқувчининг эстетик дидини ўстириш эмас, балки дарсда ўтиладиган мавзу, тил материали инобатга олинади. Ваҳоланки, шеърый асарни танлаш иши ўзбек тилини ўрганиш нуқтаи назаридангина амалга оширилмаслиги керак. Шундай қилинганда шеърни ўқиш мантиқий амалларни бажаришдан иборат бўлиб қолади. Натижада шеърнинг машқ учун берилган айрим-айрим гаплардан фарқи қолмайди. Шеърый асарнинг тўғри ва чуқур идрок этилиши учун у тасвир предмети ҳамда уйғотадиган ҳиссиётлари *жиҳатидан ўқувчилар ёши, ҳаёт тажрибасига яқин бўлиши кераклиги* айни ҳақиқат. Ўзбек тили ўқитувчиси ўз эътиборини қаратиши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат шеърда ифода топаётган кечинмалар, бунга сабаб бўлаётган тасвир предмети болалар учун тушунарли бўлиши.

Қ.Йўлдошев бу ҳақда шундай дейди: «Лирик асар ўқувчиларга тўлиқ етиб бориши, акс эттирилган туйғуларнинг болалар томонидан чуқур англаниши учун уларда ўшандай ҳиссий тажриба бўлиши керак»¹. Бу жуда ўринли айтилган фикр, буни таълим мазмунини белгилашда, яъни шеър танлашда ҳисобга олиш лозим. Масаланинг яна бир томони бундай ҳиссий тажрибани шеърый асарлар орқали ўрганиш мумкин ёки мумкин эмаслигидир.

Мақтаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳаёт тажрибаси улар ҳис этадиган кечинмалар, кўнглида туядиган ҳиссиётлар тажрибаси камдир. Синфдан синфга қараб кечинмалар, туйғулар аста-секинлик билан бойиб боради. Айтиш мумкинки, бадий идрок

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Т., 1997. – 306-бет.

этиладиган шеърлар ҳам синфдан синфга мазмундор ва сертаъсир бўлиб боради. Демак, ўрганиладиган шеърый асарлар биринчи навбатда ўқувчиларнинг ёши ва ҳаёт тажрибаси, рухий ҳолатларига мос равишда танланиши лозим.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун шеърый асарлар танлаганда юқоридаги лингводидактик асосларни назарда тутиш таълим мазмуни ва методларининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради.

«Ўзбек тили» дарсликларига доир методик кўрсатмаларда шеърый асарларни ўрганишга доир тавсиялар таҳлили

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилингандан кейин ўтган даврда Р.Толипова, Р.Ниёзметова, Ҳ.Муҳитдинова, Г.Муҳамеджоновна, Н.Икромоваларнинг дарсликларга доир методик кўрсатмалари, методик қўлланмалари яратилди. Р.Т.Толипованинг «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун «Ўзбек тили» дарсликларига методик қўлланма»сида¹ 4-синфни битирадиган ўқувчиларга шеърый асарларни ўқиш бўйича қуйидаги талаб қўйилган: «ўзбек болалар ёзувчиларининг ҳажми 30-60 тагача сўздан иборат бўлган шеърларидан 20-25 тасини ... ўқиб, қисқача мазмунини эслаб қолиш» (7-бет). Гапириш бўйича эса «эслаб қолинган шеърнинг асосий мазмунини сўзлаб бериш» (8-бет).

Қўлланманинг «Ўзбек тили дарсликлари билан ишлаш бўйича методик тавсиялар» қисмида 2-синф ўқувчиларига мўлжалланган қуйидаги методик йўриқларни ўқиш мумкин:

«...улар (шеърлар – Г.Э.) ҳам ўқувчиларда ўзбек тилида лотин графикасида ёзилган матнларни ўқишга қизиқишни

¹ Толипова Р.Т. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун «Ўзбек тили» дарсликларига методик қўлланма: «Тил ва адабиёт таълими» журналига илова. Т., Ўзбек тили маркази, 2001. – 126-бет.

оширишга хизмат қилади. Бу материал асосан ўқувчиларда тўғри талаффуз ва ўзбекча шеър оҳанги бўйича кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган. ...ўқувчилар билан шеър мазмуни устида иш олиб борилмайди, улар шеърни фақат механик равишда қайтариб, тўғри талаффуз қилиб, ёд олишса бас» (49-бет).

«Бодринг» шеъри юзасидан қуйидаги тартибда олиб бориладиган иш турлари тавсия этилади:

а) шеърни ўқитувчи ифодали ўқийди;

б) шеърнинг ҳар бир сатри мазмунини она тилида тушунтириб, «Не говори, что я полон воды. Не хочешь – не ешь. Я родственник банану, а также тыкве. На меня похож даже баклажан. У меня много семян. Поэтому я знаменит», дейди;

в) аввал айрим ўқувчилар, сўнгра қатор ва барча ўқувчилар ўқитувчига жўр бўлиб, ундан кейин қайтариб, шеърнинг талаффузини ўзлаштиради;

г) шеър сўзма-сўз ёдлаттирилади (60-61).

3-синф бўйича: «...3-синфда ҳам, 2-синфдаги каби, ўқиш дарсларида кўпроқ шеърини матнларга мурожаат этиш ўзини оқлайди, чунки бу ёшдаги болаларда шеър ёдлаш қобиляти ҳам, шеърга қизиқиш ҳам кучли бўлади».

Қўлланмада айтилишича, «Мураббо» шеъри устида иш қуйидаги тартибда ташкил этилади:

а) шеър ўқитувчи томонидан икки марта ифодали қилиб ўқиб берилади;

б) иккинчи марта ўқилиши жараёнида ўқитувчи янги, ўқувчилар учун нотаниш бўлган сўзларга урғу беради;

в) бу сўзлар дарсликда берилган луғатдан ўқилади, луғатда мавжуд бўлмаса, ўқитувчи томонидан доскага ёзиб кўрсатилади ва тушунтирилади.

г) шеърнинг мазмунини шарҳлаш;

д) шеърни барча ўқувчилар жўрлигида 5-6 марта ифодали ўқиб, куйга солиш» (87-бет).

Р.Толипованинг «О‘zbek tili. 6-sinf. O‘qituvchi uchun qo‘llanma» сйда «Сўзловчи ёмғир» шеърини ўрганиш юзасидан куйидаги изчилликдаги ишлар тавсия қилинади: ўқитувчининг кириш сўзи (шеърда нима тасвирлангани), шеърни ифодали ўқиб бериш, дарсликка қўшимча равишда нотаниш сўзларни ёздириш, берилган саволларга ўқувчиларнинг шеърдаги сатрларни ўқиб жавоб бериш ёки мазмунини сўзлаб бериш, нутқ ўстириш мақсадида айрим мисраларни изоҳлашлари (шоир шу мисралар билан нима демоқчи эканлигини айтиш), ушбу мисраларда қандай ўхшатиш қўлланганлигини аниқлаш. Шундан сўнг шеър матни бўйича «Тезроқ топ» ўйини (луғат иши) тавсия этилади.¹

Х.Муҳитдинова, Н.Икромоваларнинг 8-синф «O‘qituvchi kitobi» да куйидаги каби тавсиялар берилган: «Аввал «Ўзбекистон» шеърда учраган нотаниш сўзлар луғат дафтарига ёздирилади (таржимасини ўқувчиларнинг ўзлари топишлари керак). Сўнгра ушбу сўз ва иборалар бир неча бор такрорлатилади. Шундан сўнг «Ўзбекистон» шеърдан келтирилган парчани ўқитувчининг ўзи ифодали ўқиб бериши керак. Сўнгра шеър ўқувчиларга ўқитилади, эга ва кесимнинг гаплардаги ўрнига эътибор қаратилади.

Г.Муҳамеджоновна, Р.Ниёзметовалар муаллифлигида яратилган «9-sinfda O‘zbek tili darslari» номли методик қўлланмада шеърларни ўрганиш юзасидан куйидаги иш турлари ўз аксини топган: «...шеърини «Занжир» усулида ўқиш, мазмунини сўзлаб бериш (36-бет); «Мазмунини очувчи саволлар тузиш» (40-бет); «Мазмунини оддий мисраларда ифода этиш» (44-бет); «...луғат

¹ Tolipova R. O‘zbek tili. 6-sinf. O‘qituvchi uchun qo‘llanma. – T., «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. 53–54-bet.

² Muhitdinova X., Ikromova N. O‘qituvchi kitobi. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 8-sinf uchun o‘quv-uslubiy qo‘llanma. – T., «O‘qituvchi», 2004. 21-bet.

³ Muhammadjonova G., Niyozmetova R. 9-sinfda o‘zbek tili darslari: Ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning o‘qituvchikari uchun metodik qo‘llanma. – T., «O‘qituvchi» NMIU, 2006.

иши ўтказиш» (50-бет); «...мазмунини ўз сўзи билан қайта хикоя қилиш» (67-бет).

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидаги ютуқ ва камчиликлар

Шеър тинглаш кўпчиликлари ёқади. Тўғри, шеър мазмунини яхши илғамаган ўқувчига дастлаб унинг оҳанги, ритмикаси ёқади. Лекин шеър ҳақида гап кетганда у ўқитувчига ҳам (катталарга ҳам), ўқувчига ҳам бирдай ёқиши керак. *Ўзига ёқмаган шеърни* ўқитувчи шунчаки ўргатади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, одамга ҳар қандай шеър ҳам ёқавермайди, хуш келавермайди. Шуниси ҳам борки, шеър биринчи ўқилганда салбий ёки нейтрал таассурот қолдириши мумкин. Унинг сеҳри, жозибаси иккинчи ва учинчи бор ўқилганда очилиши мумкин.

Ўқитувчи баъзан шеър устидаги ишни «Ҳозир ...шеърини ўқиймиз» деб беҳосдан бошлайди. Натижада «Мен ўқий» деганлар кўп бўлса-да, ифодали ўқий оладиганлар бўлмайди, чунки қандай ўқиш кераклигига ишора берилмаган бўлади. Бу ҳолат болада ўқишга масъулиятсиз қараш ҳиссини шакллантиради.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидаги қуйидаги ҳолатларни камчиликлар деб кўрсатиш мумкин:

– Ўқитувчи шеърни кўпинча ёд билмагани учун дарсликдан ўқиб беради. Баъзи ўқитувчилар ифодали ўқий олмайдилар.

– Шеър икки-уч ўқувчига ўқитилгач, бошқа иш турларига ўтилади. Ҳаммани ифодали ўқишга ўргатиш иши амалга ошмайди. Ўқувчи ўқиганда баҳо ёки балл олишни ўйлайди. Агар шеър устидаги ишларнинг уни ифодали ўқишга ўргатдиган жиҳати бўлмаса, шунчаки ҳаммага бирма-бир ўқитишнинг тўғри ўқишга ўргатишдан бошқа таълимий мақсад бўлмайди. Ўқувчи бундай ўқишга қизиқмайди ҳам.

– Айрим ўқитувчилар шеърни ўқувчиларнинг тушунган ёки тушунмаганлиги билан қизиқмайди, буни баъзан текширмайди, натижада тушунилмаган сўзлар шундайлигича қолиб кетади.

– Кўпчилик ўқитувчиларнинг иш тажрибасида чуқур илдиз отган иш тури - уй вазифаси бўлган шеърни сўрашга бутун бир дарсни сарфлашдек хатони исрофгарчиликка йўйиш мумкин.

– Шеър ўқилгач, ўқувчиларнинг ундан олган таассуротлари сўраб аниқланмайди.

– Шеър ифодали ўқилгач ёки техник восита орқали эшиттирилгач, ўқувчилар бир муддат таассуротлар оғушида бўлишлари учун вақт берилмай, дарҳол бошқа топшириқларга ўтилади.

– Адабий таълимнинг (хусусан адабий тайёргарликнинг) натижаси эстетик самара, яъни асарнинг бадиий жиҳатидан, мазмунидан ҳайратланиш, таъсирланиш, завқ олиш, қолаверса, ҳаёт сабоғини ўқишдир. Лекин аксарият ўқитувчилар шеър устидаги ишларни мазмуни юзасидан саволларга жавоб олиш, мазмунини сўзлатиш, ёд олдириш билан яқунлайдилар. Муаллимлар уни ўқитиб рус тилига таржима қилдирадилар ёки навбатдаги бутун бир дарсни шеърни ёддан айттириб сўрашга бағишлайдилар. Бундай машғулотда эстетик самара эмас, шеърдан бешиш кузатилади.

– Ўқувчилар шеърни ифодасиз, бетаъсир, кўпол талаффуз хатолари билан, баъзан чалкашликларга йўл қўйиб айтсалар ҳам, ўқитувчи кўпинча уларни тўхтатмайди, тuzатмайди ҳам. Шеър ўқиётган болага ўртоқлари кулоқ солмайди, эътибор бермайди. Бундай дарсда ўқитувчи ўқувчиларни ёмон баҳо қўйиш билан даҳшатга солади, шеърни сўраш билан кўрқитади, айни пайтда ушбу санъат асарининг завқ улашиш учун яратилганини унутиб қўяди, шоирнинг шеър ижод қилишдаги изтиробларини хаёлига келтирмайди, бинобарин, асар болалар маънавияти учун хизмат қилмайди.

Маълумки, ўрганилаётган материал мазмуни ва аҳамиятининг ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдаланиши, таълимнинг ҳаёт билан мустаҳкам алоқадорлиги, олдин эгалланган билими ва тажрибаларига таяниш, билимларнинг яхлит ҳолга келишини ҳис эта олишга эришиш, ўқиш ва ақлий меҳнатга нисбатан интилишларни ўринли рағбатлантириш ва яна кўпгина омиллар ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишларини истисносиз равишда оширади ҳамда буларни ўқув фаолиятидаги муҳим омилга айлантиради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларининг ўзбек тилидаги бадиий асарларни деярли мутолаа қилмаслиги, том маънодаги китобхон эмаслиги, уларга адабий таълим беришни тўлиғича фақат дарслик имкониятларига боғлиқ қилиб қўяди. Ёшларнинг ўзбек ёзувчи (шоир)ларини билишлари, уларга ўзбек халқининг атоқли адиблари деб эъзоз намойиш этишлари, ўзбекона маънавиятни ўз қалбига жо этишлари ёки булардан бебаҳра қолишлари, табиийки, дастур ва дарсликларга, уларда белгиланган таълим мазмунига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот ишида ўзбек тили ўқитувчилари орасида уларнинг шеърини асар устидаги иш тажрибаларини ўрганишга қаратилган сўровнома ўтказилди. Қуйидагиги жадвалда ана шу сўровнома натижаларини келтирамиз (1.2.4-жадвалга қаранг).

1-саволга (Ўзбек тили дарсларида шеърини асар устида ишлашда қайси методикадан фойдаланасиз?) 50 ўқитувчидан 38 таси «а) анъанавий методикадан фойдаланаман (луғат ишидан сўнг ўқувчиларга шеърни ифодали ўқитаман, рус тилига таржима қилдираман, шеър мазмуни юзасидан суҳбат ўтказаман, шеърни ёд олишни уйга вазифа қилиб топшираман, навбатдаги дарсда сўрайман)» деб; 12 нафаригина «б) адабиёт ўқитиш методикасидан фойдаланаман» деб жавоб қайтарган.

ЎҚИТУВЧИЛАР ОРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА
НАТИЖАЛАРИ (50 ўқитувчи)

Саволлар ва жавоб вариантлари	Берилган жавоблар сони ва % и	Саволлар ва жавоб вариантлари	Берилган жавоблар сони ва % и
1. а)	38	6. а)	29
б)	12	б)	21
2. а)	14		
б)	19	7. а)	11
в)	5	б)	39
г)	12		
3. а)	18	8. а)	43
б)	32	б)	7
4. а)	18	9. а)	29
б)	32	б)	2
		в)	19
5. а)	13	10. а)	23
б)	12	б)	3
в)	25	в)	24

Маълум бўлдики, ўзбек тили ўқитувчилари шеърини асарларни ўргатишда асосан анъанавий методикадан фойдаландилар.

«Луғат ишини ҳамма вақт ҳам шеърни ўқишдан олдин ташкил этасизми?» деган 2-саволга ўқитувчиларнинг 19 нафари «б) янги сўзларни бевосита шеърни ўқишдан олдин тунтириш ва мустақамлаш ишини ташкил этаман» жавоб варианты; 5 нафари «в) янги сўзларни шеърни ўқиш жараёнида ва шеър ўқилгандан кейин ўтказаман» жавобини танлаган; 14 ўқитувчи «а) янги сўзлар устидаги ишларни бир-икки дарс

олдин ўтказаман» дейишни лозим топган; ниҳоят, 12 нафари «г) шароитга қараб юқоридаги учала ҳолатдан фойдаланаман» деган жавобни белгилаган.

Янги сўзлар устидаги ишларни айна бир-икки дарс олдин ўтказиш жавобини танлаган ўқитувчилар 14 нафарни ташкил этди. Аслида шу жавоб шеър устида ишлаш методикасида муҳим ўрин тутди. 19 ўқитувчи луғат ишини бевосита шеърни ўқишдан олдин уюштиради. Кузатишлардан маълумки, ўқувчилар янги сўзларни қисқа вақт ичида ўқиб ёки эшитиб маъносини тушуниш даражасида бўлса-да, ўзлаштириб улгурмайдилар. Жавобларнинг б) ва в) вариантлари анъанавий методикани ифода этади. Аён бўлишича, аксарият муаллимлар (24 киши) фақат ана шу методикани қўллайдилар. Шароитга қараб «а)», «б)», «в)» жавобларида кўзда тутилган усуллардан фойдаланадиган ўқитувчилар нотаниш сўзлар миқдорининг кам ҳолатини ҳисобга олган бўлишлари ҳам мумкин.

3-савол (Ўқувчиларни шеърини мисралар мазмунини тушунишга тайёрлайсизми?) бўйича 50 ўқитувчининг 32 нафари «б) шеър ўқилгандан кейин уни рус тилига таржима қилдираман, шунинг ўзи кифоя қилади» деган жавобни маъқул кўрган; 18 нафари «а) шеърини мисраларни гапларга айлантириб, бир-икки дарс олдин шу гаплар мазмунини тушунишга доир машқ ўтказаман» жавоб вариантини танлаб тўғри йўл тутган.

«Дарсда шеърни ўқиш босқичини қайси сўзлар билан бошлайсиз?» деган **4-саволга** 50 ўқитувчининг 32 нафари «б) Дарснинг ўқиш босқичини кириш сўзидан бошлайман» деб жавоб берган. 18 ўқитувчи шеър устидаги ишни «а) Ҳозир мана бу шеърни ўқиймиз. Диққат билан эшитинглар» деб бошлашини маълум қилган. Демак, айрим муаллимлар ўқувчиларни шеърни ўқишга олдиндан тайёрламайдилар.

5-савол «Шеърни ифодали ўқишга ўргатишда қайси усулларни қўлайсиз?» деб таърифланган. Ушбу саволга 50 ўқитувчининг 25 нафари «в) шеърни аввал ўзим ифодали ўқиб

бераман ёки ифодали ўқий оладиган ўқувчига ўқитаман, шеърни ифодали ўқиш йўлларини тушунтираман, кейин бирма-бир ўқувчиларнинг ҳаммасига ўқитаман» деган жавоб варианты билан жавоб қайтарган.

13 ўқитувчи «а) шеърни аввал ўзим ифодали ўқиб бераман ёки ифодали ўқий оладиган ўқувчига ўқитаман, кейин 3-4 ўқувчига ўқитаман» жавобини кўрсатган; 12 ўқитувчи «б) шеърни аввал ўзим ифодали ўқиб бераман ёки ифодали ўқий оладиган ўқувчига ўқитаман, бирма-бир ўқувчиларнинг ҳаммасига ўқитаман» дейишни лозим топган. Мазкур жавобларда шеърни ифодали ўқиш йўлларини тушунтириш иш тури акс этмаган, демак, 25 ўқитувчи ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатмайди.

«Шеърни биринчи марта ифодали ўқиб бергандан кейин ўқувчиларга нима деб мурожаат этасиз?» деган **6-саволга** қуйидаги вариантлар асосида жавоб қайтарилган:

а) «Шеър мазмунини ким тушунмади?» – деб сўрайман – 29 киши;

б) бир-икки дақиқа ўқувчиларни ўз ҳолига қўйиб, кейин: «Шеър сизга ёқдимиди?» – деб сўрайман – 21 киши.

Эслатиш жоизки, бир-икки дарс олдин бошланган тайёргарлик ишлари ўқувчиларнинг шеър мазмунини тўлиқ тушуниб тинглашлари учун имконият яратиб бериши керак. Кузатишлардан маълумки, шеър мазмунини тушунмаган ўқувчига шеър ёқмаслиги мумкин.

7-саволга (Шеърга доир савол ва топшириқларнинг қайси мазмунда бўлганини маъқул кўрасиз?) 50 ўқитувчининг 39 нафари «б) савол ва топшириқлар шеърнинг бадий тимсолларини таҳлил қилишга қаратилгани яхши» деган жавоб вариантини, 11 нафари эса «а) шеър мазмуни юзасидан суҳбат ўтказишга қаратилган бўлсин» вариантини танлаган. Жавобларнинг «б)» варианты кўпроқ нутқ ўстириш мақсадини кўзда тутди.

«Шеърнинг мазмунини ўқувчиларга сўзлатасизми?» деган 8-савол нутқ ўстиришнинг яна бир туридан фойдаланувчиларнинг оз-кўплигини аниқлаш мақсади эга эди. Вариантлар бўйича жавоблар сони: а) Ҳа – 43 та, б) Йўқ – 7 та. Кўриниб турганидек, шеърдан нутқ ўстириш ниятида фойдаланувчилар оз эмас экан.

9-савол. Шеърдан тасвирий воситаларни (сифатлаш, ўхшатиш ва б.) топтирасизми? Вариантлар бўйича жавоблар сони: а) Ҳа - 29, б) Йўқ - 2, в) Баъзан - 19.

10-савол. Бадий тафсиллар (деталлар) устида иш олиб борасизми? Вариантлар бўйича жавоблар сони: а) Ҳа - 23, б) Йўқ - 3, в) Баъзан - 24.

«Яна қандай иш турларини амалга оширасиз?» деган саволга қуйидаги жавоблар ёзилди: Шеърдаги сўзларни тўғри талаффуз қилишга катта аҳамият бераман. Таржима қиламан (1). Талаффузи қийин бўлган сўзлар устида кўпроқ ишлаймиз (1). Муаллиф ҳақида гапирамиз (1). Бошқа шеърларга мурожаат қиламиз (1). Ўйинлар ўйнаймиз (4). Схематик харита асосида ишлайман (4). 6X6X6 шаклида иш ташкил этаман (3). Баҳс-мунозара ташкил этаман (3). Муаммоли ўқиш ўтказаман (2). Кластер ўйини ўтказаман (2). «Ақлий ҳужум» усулини қўлайман (1). «Ақл чарҳи» усулидан фойдаланаман (1). ЧАФ усулидан фойдаланаман (2). Ўқувчиларни шеърнинг асосий мавзусини очиб берувчи сўз ёки сўз бирикмасини топишга ундайман (1). Бадий тафсилларни топтираман (1). Асар тилини ўрганамиз (1). Таҳлил ўтказаман (1). Бошқотирма ўйинидан фойдаланаман (5). Жамоа бўлиб (биргаликда, жўр бўлиб) ўқитаман (3) - (бошланғич синфларда). Қофияли сўзлар топтираман (2) ва шеър ёздираман (2). Шеърни ифодали ўқиб бергандан кейин (мазмунини таржима қилиб) нимани ҳис қилдингиз, кўз ўнгингизда нималар кўринди, деб ўз фикрларини ёздираман (1). Шеър ёзган муаллифнинг ҳаёти ва ижодига ўқувчиларни қизиқтириш (1). «Занжир» усулида ўқиш (1). Шеърда учраган

(янги, фаол) сўзлар билан ўқувчилар мустақил гап тузишади (5), уларни ўз нутқларида ишлатишга ҳаракат қилишади (1). Баъзан сўзларга синоним ва антоним топтираман (1). Баъзан шеърий асарга доир расмлар чиздираман (3). Мавзуга қараб иш усулларини танлайман (4). Вазиятга қараб иш усулларини танлайман (1). Шарҳлаб ўқиш ўтказаман (2). Глобал таълим йўналишида иш олиб бораман (2). ЯПТ дан фойдаланаман (1).

Маълум бўлдики, ўзбек тили ўқитувчиларида анъанавий методикага боғланиб қолганлик кучли. Бу боғланиш стереотип даражасига етган деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Анъанавий методикага кўра шеърий материал ўзбек тилини ўрганишнинг бир воситаси сифатида қабул қилинади. Бошқача айтганда, янги сўзлар ва грамматик шакллар мустақамланади, шу материаллар ҳажмида нутқ ўстириш машқлари ўтказилади. Ифодали ўқиш шеърдан эстетик завқ олиш билан махсус топшириқлар асосида туташмайди.

Адабиёт ўқитиш методикасидан фойдаланадиган ўзбек тили ўқитувчилари санокли. Бу ўқитувчилар ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт ўқитиш мутахассислигига эга. Уларнинг айримлари ўзбек синфларида она тили ва адабиётдан дарс берадилар ҳам.

Кузатилган дарслардан келиб чиқиб айта оламизки, ўзбек тили ўқитувчилари шеърий асарлар мисолида ўзбек адабиётини ўргатиш кераклигини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Айримларининг фикрича, ўзбек тили дарсларида адабиёт, унинг назарияси ўрганилмайди.

Бундай ўйлаш, масалага бир ёқлама ёндашиш натижасида шеърий материалдан ҳам русийзабон ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, грамматик қоидаларни мустақамлаш, ўқишга ўргатиш ва нутқ ўстириш билангина кифояландилар.

«Ўзбек тили» дарсликларида шеър юзасидан берилган топшириқлар муаллимларни шеърнинг бадиий-эстетик жиҳат-

лари, бадий-тасвирий воситалари, шоир, унинг дунёси каби масалалар тилга олинмайди, шеърый асар таҳлил ўтказилмайди.

Ўзбек тили ўқитувчиларининг қўлларида русийзабон ўқувчилар орасида шеърый асарларни ўрганиш методикасига доир аниқ тавсиялар йўқ. Улар ўзбек ва рус мактабларида Ватан адабиёти, ўзга тилда ўқитиладиган мактабларда рус адабиёти методикасидан фойдаланишлари мумкин. Лекин бу манбалар умумий йўлланма бера олади, холос.

Ўзбек тили ўқитувчилари ҳам, ўқувчилар ҳам лирик асар устидаги ишларни мураккаблаштирмасликни маъқул кўрадилар, уларнинг назарида шеър мазмунини ўзлаштириш, уни ёд олиш бир қадар осон иш тури бўлиб кўринади.

Шеърый асарларни ўрганишга бағишланган дарсларни кузатишдан маълум бўлишича, русийзабон ўқувчилар лексик ва грамматик (синтактик) жиҳатдан идрок этишга олдиндан тайёргарлик кўрмайдилар. Бунга қуйидагилар сабаб:

– амалдаги «Ўзбек тили» дарсликларидаги топшириқлар янги сўзлар билан шеър ўқилгандан кейин танишишни кўзда тутади;

– шеърдаги мазмунини тушуниш қийин бўлган мисраларни ўқишга қадар тушунтиришга доир топшириқлар йўқ.

– аксарият шеърларнинг мазмуни русийзабон ўқувчилар томонидан тушунилмагани эътибордан четда қолади;

Айрим синтактик қурилиши мураккаброқ мисраларнинг мазмунини англатиш чоралари кўрилмайди. Баъзан ўқитувчи ана шу мисраларни таржима қилади, холос.

– ифодали ўқишга ўргатиш талаб даражасида эмас;

– шеърдаги янги сўзларгина тушунтирилади, маъноси унутилган сўзларга эътибор қаратилмайди.

Асардаги миллий қадриятлар билан боғлиқ лексика кўпинча изоҳланмайди.

Англаш қийинчилиги мавжуд бўлган тасвирий воситалар таҳлил қилинмайди. Натижада:

– ўқитувчи янги шеърни ўқиб ўрганиш ишини дабдурустдан бошлайди: «Ҳозир ...шеърини ўқиймиз». Бинобарин, дарҳол синфнинг ярмидан кўпи «Мен ўқий» деб қўл кўтаради;

– ўқитувчи баъзан шеърни ифодасиз ўқиб беради ёки ифодали ўқий олмайдиган ўқувчига ўқишни топширади;

– шеър ўқилгач, уни рус тилига таржима қилиш топширилади;

– шеър ўқилгач, айланма ўқиш ўтказилади, бунда талаффузгагина эътибор берилади;

– шеърдаги нотаниш сўзлар аниқланмайди ва тушунтирилмайди.

Шеърни ўқишга дабдурустдан киришилгани, ўқувчилар бу ишга лексик ва грамматик жиҳатдан тайёрланмагани учун асар эстетик завқ уйғотмайди, оддий матнга ўхшаш таъсирга эга бўлади, холос. Ифодали ўқиш кўп вақт эътиборда бўлмайди. Ўқитувчи шеърнинг ўқувчиларга ёққан-ёқмаганлигини сўрамайди, яъни бадиий-эстетик баҳо беришни талаб этмайди. Шеърни ёд олиш уйга вазифа қилиб топширилади. Бинобарин, навбатдаги дарс бошидан охиригача фақат шеърни ёддан айттириш мазмунида ўтади.

Юқоридаги камчиликларнинг ҳаммаси ўқитувчиларнинг қўлларида русийзабон ўқувчиларга шеърини асарни ўргатишга доир методик тавияларнинг йўқлиги туфайли ҳам содир бўлмоқда. Бунинг устига амалдаги «Ўзбек тили» дарсликларида шеърини асарга доир келтирилган савол ва топшириқлар ўқитувчиларга тўғри йўналиш бермайди. Шунга кўра ҳам асарнинг бадиий жиҳатлари таҳлилга тортилмайди. Асосан, асар мазмуни юзасидан саволларга жавоб олинади.

Ўқувчилар дарсликлардаги шеърини материалларни ўқиб мазмунини етарли даражада тушуна олмайдилар, бунга нотаниш лексик материалларнинг кўплиги, синтактик қурилиши мураккаб мисраларнинг изоҳли ўқилмаслиги сабаб бўлади. Савол ва топшириқлар тизими илмий асосланмаган, талабга

жавоб бермайди. Дарсларда ифодасиз ўқиш, шеърни рус тилига таржима қилиш, мазмунини ўзлаштиришга қаратилган саволлар асосидаги суҳбатлар, бошидан охиригача шеърни сўраш дарсларини ташкил этади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърини асарларни ўрганишнинг илмий-амалий асослари юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари куйидаги хулосаларга олиб келди:

Амалга оширилган назарий талқинга кўра шеърини асарларни таҳлил қилишда, савол ва топшириқлар тизимида тағмаъно, ғоя тушунчаларидан фойдаланиш, бунда тағмаънони мисра ёки мисраларга нисбатан, ғояни бутун шеърга нисбатан ишлатиш, асарда ғоялар мажмуаси мавжуд бўлган ҳолатларда эса ғоявий мазмун ифодасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Асардаги образлилик ғояга бўйсунди. Шунга кўра ҳам ўзбек тили дарсларида шеърни таҳлил қилиш ишлари асар мавзусини, сўнгра ғоясини, ниҳоят, тафсилларини, образлар тизимини аниқлаш томон бориши тўғри бўлади. Ўқувчи шеърини асарнинг ғоясини билмаса, уни кутилганидек ифодали ўқий олмайди, образлар тизимига тўғри баҳо бера билмайди, шоирнинг муносабатини англаб етмайди.

Ўзбек тили дарсларида шеърини материалларни ўқиб ўрганишдаги дастлабки катта қийинчилик ўқувчиларнинг шеър мазмунини етарли даражада тушуна олмаслигида, бунга нотаниш лексик ва грамматик жиҳатдан лозим даражада тайёр эмасликларида намоён бўлади. Бунга сабаб қилиб амалдаги «Ўзбек тили» дарсликлари ва улар юзасидан яратилган методик қўлланмаларда шеърини асар асосан тил ҳодисаларини ўрганиш талаб этилаётгани, лугат иши шеърни ўқий дарсида амалга оширилаётгани, шеър бадиий таҳлил қилинмаётганини кўрсатиши мумкин.

II БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг шеърий асардан таъсирланиб ўқишларини таъминлаш йўллари (лингвистик омиллар)

Таълим мазмунига мос равишда ўқитиш методлари тўғри танлангандагина шеърий асарлар русийзабон ўқувчиларга, бошқа миллат вакиллари фарзандларига эмоционал таъсир кўрсатиш учун хизмат қилади, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, ўзбек халқига, унинг миллий маданияти, маънавияти, қадриятларига, ўзбек тилига ҳурмат ҳиссини оширади. Шеърдаги ифодаларнинг лўндалиги, аниқлиги, гўзаллиги ва жарангдорлиги, сўзлардаги алоҳида сиғим, кўп маънолилик ва бадий-тасвирий жиҳатлар тил ҳиссини ўстиради, назарий билимга билим кўшиб, уни янада мустаҳкамлаб, ўзбек адабиётига муҳаббат уйғотади.

Шеърий асарлардан эстетик завқ олиб ўқиш ва ўрганиш методикаси қатор ўзбек методист олимларининг (Т.Бобоев, М.Мирқосимова, Ш.Орифий, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломова ва б.); хориж психолог ва методист олимларининг (Д.Д.Мадер, В.С.Баевский, Л.Г.Байкиева, С.А.Алиева, З.И.Боранбаева, Ю.Гирдзияукас, Е.В.Лужановская ва б.); тадқиқот ишларида, яратган методик қўлланмаларида баён этилган.

Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломовалар таълим рус тилида олиб бориладиган синфларда ўзбек тилидаги адабий материалларни таъсирланиб ўқишга ва тинглашга ўқувчиларни

лексик ва грамматик жиҳатдан тайёрлаш муаммосини маълум даражада тадқиқ этганлар.

Мавжуд методик ишларда шеърӣ асарлар орқали ўқувчиларни гўзаллик оламига олиб кириш йўллари кенг ёритилган. Лекин ўзбек тили дарсларида улардан шеърӣ асарларга татбиқан фойдаланиш ўзига хос усуллар тизимига мурожаат этишни тақозо қилади.

Шеърӣ намунани ҳар гал идрок этиб, жозибасини туйиш чинакам санъат асарига хос хусусиятдир. Зеро, назмдан баҳри дили очилган китобхонгина беҳад рухланади. Бадиий таҳлил орқали эса ўқувчининг олдида ушбу жозоба сир-асрорлари очила боради, гўзаллик ҳақидаги тушунчаси такомиллашади. Ўқувчининг гўзаллик тўғрисидаги тушунчаси билан бадиий диди ўзаро диалектик таъсирда бўлади. Булар ўзбек шеърини мутолаа қилишда ҳам шу тарзда кечади.

Шеърӣ асардан олинган кичик бир парча ҳам тингловчининг диққатини ўзига оҳанграбодай тортади. Нотик шеърининг ана шу хусусиятидан усталик билан фойдаланади. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида турли вазиятларда маданий, илмий ёки бошқа хил фаолият кўрсатар экан, минбарда нотик, меҳмонда бўлганда сўз айтувчи, маъшуқаси олдида ширин сўз соҳиби бўлиши керак. Бу ҳолатларда шеър жонга оро киради. Баъзан тўрт мисра шеър нутққа безак бўла олади, йиғилишларга тантанавор руҳ бағишлайди. Ҳордиқ чиқараётган пайтда шеърӣ асарларни мутолаа қилиш алоҳида ҳузур бахш этади. Шунинг учун ҳам мактаб таълимида шеърӣ асарларни таъсирланиб ўқишга ўргатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни унутмаслик керакки, шеърни ким ўқимасин ёки уни ким тингламасин, дарҳол баҳо беради. Асар унга ё ёқади, ёки ёқмайди. Ўқувчи шеърининг нима учун ёққанлиги ёки нима учун ёқмаганлиги ҳақида ҳам ўйлайди. Биринчи танишувдаёқ ёқмаган шеърни қайта манзур қилиш эса машаққатли иш. Шунинг учун ўқитувчи ўзбек тили дарсида шеър биринчи

марта ўқилгандаёқ ўқувчиларда ижобий таассурот уйғотиши учун бутун куч-гайратини сарфлаши, методик маҳоратини ишга солиши лозим. Муаллим шуни ҳам унутмаслиги зарурки, ҳар бир одамда гўзаллик ҳақида ўзига хос тушунча, ўлчов, эталон стихияли суратда таркиб топиб боради. Д.Д.Мадер ўқувчилар бадиий асарни идрок этиш жараёнида ушбу асар унинг тасаввуридаги гўзаллик эталони билан солиштирилади деб таъкидлайди¹. «Воспитание творческого читателя» китобида ҳам шундай фикр илгари сурилади: «Ўқиш пайтида идрок этилаётган юксак бадиий асарни ўқувчининг ўз тасаввурида стихияли суратда аввало юзага келган гўзаллик эталонлари билан солиштириш содир бўлади. Бадиий таҳлил қилиш жараёнида бу эталонлар такомиллашади. Бир вақтнинг ўзида гўзаллик ҳиссини тарбияламасдан туриб, бадиий асардан завқ олмай адабиётни чинакамига ўрганиш мумкин эмас»².

Шеърый асарни ўқиш устидаги ишлар ўзига хосдир. Агар насрий асар ўқилгандан кейин ўқувчилардан унга оҳангдорлик ва таъсирчанлик нуқтаи назаридан эстетик баҳо бериш кўп вақт талаб этилмаса, шеърый асарда бундай талаб шартдир. Шунинг учун шеърни дастлабки ўқиш уни тинглаб, ёққан-ёқмаганлигини айтиш топшириғи остида амалга оширилади. Бу иш шеърни бевосита ифодали ўқишга ўтиш даврида кўриладиган рухий тайёргарликнинг зарурий босқичидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тили дарсларида шеърый асарни ифодали ўқишни ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги қуйидаги иш турларини тақозо этади:

1. Шеърый асарни тинглаш ва унга эстетик баҳо бериш.
2. Шеърни ифодали ўқиш қоидалари билан танишиш ва ифодали ўқишни машқ қилиш.

¹ Мадер Р.Д. Анализ поэтического текста на уроках литературы. – М., «Просвещение», 1979. – С. 8.

² Воспитание творческого читателя (проблемы внеклассной и внешкольной работы по литературе). Книга для учителя. Под ред. С.В.Михалкова, Т.Д.Полозовой. – М., «Просвещение», 1981. – С. 9.

1. Шеърӣ асарни тинглаш ва унга эстетик баҳо бериш

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърӣ асар ҳар гал ўқилганда у санъат асари сифатида таъсир кўрсатиши, мусиқа ҳар сафар тингланганда қандай роҳатланиш юзага келса, шундай ҳолат содир бўлиши лозим. Шеър мазмунини биринчи эшитишда ёки ўқишдаёқ тўлиқ ва чуқур тушуна олган ўқувчи уни бадий идрок эта олади. Бунда матндан таг маънони англашга ҳам муваффақ бўлади. Бошқача айтганда, шеърдан эстетик завқланиш ана шу даражада тушуниш замирида юзага келади. Шакл ва мазмун бирлигида шеърнинг оҳанг ва ритмик жиҳатлари эстетик таъсирнинг баркамол бўлишини таъминлайди.

Маромида ифодали ўқиганлик, ифодали ўқилган асардан хузур ола билганлик шеър қай даражада идрок этилганига баҳо беришнинг бош омилдир. Китобхон шеърни ифодали ўқий олмадими ёки ундан таъсирланмадими, демак, ниманидир етарли тушунмаган, образли ифодаларни ҳисобга олмаган бўлади, шу туфайли ўзини тафтиш қилишга киришади. Тўғри, сўз устаси ҳам беҳосдан шеърни ифодали ўқийвермайди. У аввал шеърни кўриб, зарур бўлса, ўзича таҳлил қилиб чиқади. Русийзабон ўқувчини шеърга қизиқтириш, ёқтириб қоладиган ҳолатни юзага келтириш учун уни аввал кимнингдир ифодали ўқиб бериши маъкул бўлади. Гап шундаки, шеър ўқувчини ҳаяжонлартирсагина, у кўпгина хилма-хил ва олижаноб туйғулар уйғота олади, ифодали ўқишга ҳавас пайдо этади. Шунга кўра ҳам, лирик асарда энг муҳими манзара эмас, балки у бизда уйғотадиган туйғулардир. Кечинмалар, ҳамдардлик воқеликни билишнинг алоҳида шаклидир. Бу хусусда методист олимлардан кўплаб фикрлар келтириш мумкин. Чунончи, М.Мирқосимова таъкидлаганидек, «...ҳар қандай шеър шоирнинг безовта, эҳтиросли, дардчан қалбининг туғёни, ҳосиласи сифатида ду-

нега келади, ҳаёт ҳақиқатининг бетакрор қирраларини сермаъно образлар орқали хиссий идрок этишга, инсон руҳини поклашга, чуқур ва кенг миқёсли мушоҳада юритишга йўлайди»¹. «Шеърят инсоннинг фикр-ўйларини, ҳис-туйғуларини, олам гўзалликларига муносабатини бадий тарзда яратади, кўз ўнгимизда бадий сўз орқали жонлантиради»².

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик зарурки, айрим ўқувчилар кўпинча шеърини асарга нисбатан олдиндан, ҳали уни ўқимасдан туриб субъектив ёки лоқайд муносабатда бўладилар. Ўқитувчи бадий асар таҳлилини ташкил қилаётган пайтда болалардан унга баҳо беришни талаб этиб туради. Ўқувчининг бадий идроки чуқурлашган, асарнинг юксак маҳорат билан яратилгани маълум бўла боргач, у ҳақдаги баҳосида ижобий томонга силжиш кузатилаверади. Ўрганилаётган шеърнинг объектив аҳамияти, объектив қийматини англаш ана шу натижалар учун асос яратади. Лекин барибир ўқувчи берадиган баҳо ифодали ўқишнинг таъсирчанлиги ва шеър завқ бағишлаганлигига таянади. Ушбу жиҳатлар маълум давр учун меъёр вазифасини бажаради. «...бу меъёрларни эстетик эътиқодлар соҳасига кўчириш бадий асарнинг шахсиятли субъектив баҳосини тўғрилайди. Ўқувчиларнинг тўғри эстетик муносабатларини шакллантиришнинг педагогик вазифалари муҳимлиги ана шунда»³.

Шеър ўқиш дарсининг энг масъулиятли даври уни марок билан тинглашдир. Лексик ва грамматик тайёргарликлар шунга замин яратиб беради. Шундан сўнгина ўқитувчи шеърни ифодали ёддан айтиб бериши ёки сўз усталари нутқидан эшитириши мумкин. Ана шунда синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг

¹ Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). – Т., РЎММ, 1993. – 40-бет.

² Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т., «Фан», 2006. – 14-бет.

³ Мадер Р.Д. Анализ поэтического текста на уроках литературы. – М., «Просвещение», 1979. – С. 6.

бир неча дақиқа шеърдан олинган эстетик таъсир оғушида ўтиришларига эҳтиёж сезилади. Дарсда бунга етарлича имконият яратиб берилади. Шундан кейин ўқувчилар шеърни овоз чиқармай ичда онгли ўқишлари керак бўлади. Улар шеърдан ўзлари тушунмаган айрим мисралар, сўз ва иборани сўрашлари мумкин. Лекин, кузатишларнинг кўрсатишича, олдиндан махсус тайёргарлик олиб борилган синфларда бунга унча эҳтиёж қолмайди. Ўқитувчи ўқувчилардан шеърни яна бир марта эшитасизларми, деб сўрайди ва уларнинг талабларини қондиради.

Шеърни ўқийтган ўқувчи шоир кўрган манзарани кўра олиши, ҳеч бўлмаганда, шоир кечирган ўй ва туйғулардан бир қисмини бошидан кечириши лозим. Шоирнинг фикрларини тингловчига етказа олиш коммуникатив ёндашувнинг асосий жиҳати саналади.

М.К.Ковалева «Мир детской книги» китобида куйидаги алгоритмни тақдим этади: ««Тинглайман – ҳис этаман – англайман – бошқа киши билан мулоқотда ифода этаман». Болалар доира бўлиб ўтирадилар ва поэтик асарни тинглайдилар. Шундан сўнг уларга навбат билан (доира бўйлаб ҳаракатланиб) ўз таассуротларини сўз орқали билдириш таклиф қилинади: нимани кўряпман, нимани эшитяпман, нимани ҳис этяпман. Топшириқнинг мураккаблиги шундаки, ҳар ким ўз таассуротлари билан ўртоқлашишдан олдин аввалги қатнашчининг айтганларини такрорлаши ва ўзиники билан тўлдириши керак. Охир оқибатда болалар айна бир мисранинг ҳар хил ҳис этилишига ишонч ҳосил қиладилар. Ўқилган шеър сўнги мисраси билан тугамайди. У фикрларда, туйғуларда, образларда, мулоқотда ва болаларнинг ижодида давом этади»¹. Шеърини асарни эстетик идрок этишда бир неча босқич ўзаро фарқланади: «1) асарни бевосита идрок этиш, яъни образларни қайта

¹ Тихомирова И.И. Психология детского чтения от А до Я. Методический словарь-справочник для библиотечарей. – М., Школьная библиотека, 2004. – С. 248.

яратиш ва бошдан кечиритиш; 2) асарнинг мазмунини ва ғоявий маъносини (таг маъносини) тушуниш; 3) асарни интерпретациялаш; 4) эстетик дидни шакллантириш¹. Бу босқичлар сира-сида, бизнингча, биринчиси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шеъррий асарга одатда ўқувчилар томонидан бериладиган баҳо кўпроқ мазмунига нисбатан бўлади. Шоир воқеликни бадиий образлар орқали тасвирлаганда, мазмунга санъаткорнинг маҳорати келиб қўшилади. Бунда ўқувчи ҳам қалбини жунбушга келтирган мазмунга, ҳам шеърнинг юксак санъат асари сифатида ёзилганига баҳо беради ва бу баҳо кўп вақт тўғри чиқади. Аммо русийзабон ўқувчилардан шеърнинг ифодали ўқилиши ёққан-ёқмаганлигини ҳам сўраш зарурий бир ҳолдир. Чунки шеъррий асарни ўқишнинг айна шу томони ўқувчиларда тақлид қилиш керак деган фикрни пайдо этади, ифодасиз ўқиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилади, булар ўз навбатида масъулиятли муносабатни юзага келтиради.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг шеъррий асарни биринчи эшитишда ёки ўқишдаёқ ундан таъсирланишлари, хузурланишлари керак. Бунинг учун эса мазмунни тўғри ва тўлиқ тушунишлари шарт. Ана шу нарса, яъни шеър мазмунини англаб етиш уларни аниқ ва чуқур бадиий идрок эта олишлари сари қўйиладиган дастлабки йирик қадам, шу йўлдаги муҳим омил бўлиб майдонга чиқади. Бошқача айтганда, шеърдан эстетик завқланиш ана шу тушуниш замирида юзага келади. Бунинг учун илк бор танишув давридаёқ сўзлар, иборалар, синтактик қурилмалар, тасвирий воситалар, шеър орқали ифодаланаётган таг маъно, ғоявий мазмун ва бошқа жиҳатлар бир қадар тўғри англаниши лозим. Шу муносабат билан ўқувчиларни шеъррий асарни бадиий идрок этишга,

¹ Лужановская Е.В. Изучение лирики в курсе «Лингвистический анализ художественного текста» в национальной (литовской) аудитории. Автореферат дисс. ... канд. педнаук. – М., 1979. – С. 25.

тинглаб завқ олишга, шу орқали ифодали ўқишга тайёрлаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади.

Маълумки, лириканинг таъсир кучи унда нима деб ва қандай ёзилгани билангина ўлчанмайди. Қоғоздаги ҳолатида у шунчаки шеърӣй асар. Аслида у шеърӣй нутқ – овоз чиқариб ёки ичдан ўқиш орқалигина чинакам таъсир кучини, умуман, чинакам санъат асари эканлигини намоён этади. Шу йўл билан лирик ифодалилиқ алоҳида қиймат топади. Шеърӣй мисраларнинг ифодалилиги, ритмик ва товуш хусусиятлари уларнинг талаффуз (оҳанг) жилоси, гапнинг синтактик қурилиши, шеърӣй банднинг қандай сўзлардан, сўз бирикувларидан ташкил топганига боғлиқ. Шеърӣй ритм, интонация, ғоявий мазмунга бўйсундириб танланган сўзлар, айниқса, маънодош сўзлар, кўчма маънодаги сўзлар шеърда ифода қилинаётган кечинмалар, руҳий ҳолатни юзага чиқаради, шунга мос равишда ҳиссий бўёқ касб этади, мукамал ҳолатга этади.

Шеър ўқувчининг эътиборини нарсаларга, воқеа-ҳодисаларга қаратади. Ўзбек тили дарсларида фойдаланиладиган кўрсатмалиқнинг ҳам вазифаси шу. Лекин ушбу кўрсатмалиқ шунчаки сўз ўрганиш, гап тузишга ёрдам берса, шеърдаги кўрсатмалиқ образлилиқ жиҳати билан фарқланади. Предметни шунчаки кўргандан кўра унинг бадиий тасвири билан танишган яна ҳам аълороқдир. Бунда сўзнинг бошқа сўзлар билан систем алоқалари сўзлашувга хос лексика билан чегараланиб қолмасдан, образлилиқ билан ҳам боғланади. Масалан, кўрсатмалиқ «қўл – рука» луғатини ўзлаштириш имконини берса, шеър орқали русийзабон ўқувчи «олтин қўллар», «меҳрибон қўллар» каби қўлланишлар билан танишади. Бундай ассоциатив боғланишлар сўзнинг маъно кўламини кенгроқ ўзлаштириш имконини беради.

Ўзбек тили дарсларида шеърӣй асарни бадиий идрок этиш асосан тинглаш, қисман мустақил мутолаа қилиш, таҳлил жараёнлари билан боғланади. Ифодали ўқиш юқоридаги жара-

ёнларнинг маҳсули сифатида юзага келади. Айтмоқчимизки, машғулотларда шеърӣй асарни бадий идрок этиш ва ифодали ўқишга ўргатиш ишлари бир вақтда амалга оширилмайди, булар олдинма-кейин бажариладиган таълимий тадбирлар саналади.

Кузатишлар, дастлабки тажриба дарсларидан чиқарган хулосаларимиз асосида тадқиқот ишимиз олдида турган *дастлабки асосий вазифа*ни ҳал этишга – *ўқувчиларни шеърӣй асарлар мазмунини тушуниш ва идрок этишга тайёрлаш методика*сини умумлаштирган ҳолда ишлаб чиқишга киришамиз.

Ўзбек тили дарсларида турли хил матнлар, шу жумладан, шеърӣй асарлар мазмунини тушунишга, бадий идрок этишга тайёрлаш муаммолари методист олимлар Р.Йўлдошев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломоваларнинг диққатини ўзига жалб этган. Ушбу муаммо рус адабиётини ўрганиш билан боғлиқ равишда Е.В.Лужановская, В.С.Баевский ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланиш натижаларида ҳам ўз аксини топган. Биз ушбу манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни шеърӣй асарларни ўқиш ёки эшитишга тайёрлашда куйидаги йўналишлардаги иш турларидан фойдаланишни маъкул деб топдик:

1. Янги ва маъноси унутилган сўзлар устида ишлаш.
2. Тасвирий ифодалар, миллий маънавият, ўлкашунослик билан боғлиқ сўзлар, номларни изоҳлаш.
3. Айрим мисраларнинг синтактик қурилиши устидаги ишлар.
4. Шоирнинг ижоди, шеърларининг ғоявий йўналиши ҳақида кириш сўз.

1. Янги ва маъноси унутилган сўзлар устидаги ишлар

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун тавсия этилаётган шеърӣй

асарларда нотаниш сўзлар кўп. Лекин айна шу шеърлардаги янги лексик бирликлар миқдори, қозоқ ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчиларнинг ўзбекча нутқи, икки тилдаги лексик яқинликларни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, оз. Русийзабон ўқувчиларнинг матни ўқиб мазмунини тушунишлари билан боғлиқ равишда Р.Йўлдошевнинг айрим тадқиқот натижаларида баён этилган ¹. Ушбу масала Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломоваларнинг тадқиқот ишларида ҳам ўрганилган. Лекин қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги сўз бойлигини ошириш масалалари ниҳоятда оз ёритилган. Шунга қарамай, бу ҳақда кузатишлар асосида ҳосил қилинган умумий тасаввуримиз мавжуд. Ҳоҳ русийзабон ўқувчи бўлсин, ҳоҳ қозоқ ва бошқа тилларда сўзловчи ўқувчи бўлсин, у билан ишлашда билим савияси (сўз бойлиги) ҳисобга олиниши шарт. Чунки нотаниш сўзларнинг оз ёки кўплигига қараб иш турлари ва уларнинг кўлами белгиланади, вақт сарфи мўлжал қилинади. Таъкидлаш жоизки, луғат иши юзасидан Р.Йўлдошевнинг бир қатор мақолаларида аниқ методик тавсиялар берилган.

Шеъринг асарнинг мазмунини тушуниш учун биринчи навбатда ундаги барча нотаниш (янги, маъноси унутилган, англиштиш эътибордан четда қолган) сўзларни ўқувчилар олдиндан ўзлаштириб олган бўлишлари керак. Р.Ниёзметова бадий асарга доир янги сўзларни тушунтириш ишлари шу асар ўрганилишидан бир-икки дарс олдин бошланиши керак деган фикрни илгари суради. «...Бадий асардан олинган пар-

¹ Йўлдошев Р. Ўқув текстлари, уларда сўзларнинг ишлатилиши // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари (тўплам). – Т., ЎзПФИТИ, 1985. 40–47-бетлар.

Йўлдошев Р. Ўзбек тилидан лексик минимум тузиш масалалари // «Мақтабда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишни такомиллаштириш масалалари» методик тавсияларида. – Т., ЎзПФИТИ, 1984. – 34–39-бетлар.

Йўлдошев Р. IV–VIII синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқинишга ўргатиш методларини такомиллаштириш / «Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш» тўпламида. – Т., ЎзПФИТИ, 1983. – 54–61-бетлар.

чани эстетик идрок этишнинг биринчи шарти ундаги барча сўзларни ўқиб тушуна оладиган даражадаги тайёргарлик амалга оширилган бўлиши керак. Кузатишлардан маълумки, ўқувчи бир матндан баъзан 20-30, баъзида эса 30-40 сўзнинг маъносини тушуна олмайди. Шунга кўра ҳам дастлаб бу сўзларни ўқиб тушуниш мумкин бўлган (пассив) даражада ўзлаштиришга эришиш лозим. Бунга бир неча дарс олдин оз-оздан луғат ишини ташкил этиш орқали эришиш мумкин»¹. Бизнинг эътиборимизни ўзига тортган нарса шу бўлдики, шеърларда янги, маъноси унутилган сўзлардан ташқари, янги сўзлар сифатида ажратилмаган, янгилigi эътиборсиз қолдирилган, шеърга доир луғатда акс эттирилмаган луғавий бирликлар ҳам бор. Масалан: 5-синф «O‘zbek tili» дарслигида Муҳаммад Юсуфнинг «Оддий муаллим» шеъри берилган². Луғатда 4 та сўз ўз аксини топган (*беҳашам, хокисор, улугвор, қайсар*). Лекин *қадр, зот, безовта, жон, ҳатто, тир, жаҳонгир* сўзлари ҳам 5-синф ўқувчиси учун нотаниш сўзлардир.

Методик адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, имкон қадар кўпроқ сўзларни шеър ўқилгунга қадар билиб олиш учун пассив даражани таъминловчи иш турлари ўқувчиларнинг асар мазмунини тушунишларига эришиш нуқтаи назаридан қаноатлантира олади. Шунга кўра ҳам уларга янги, нотаниш ва маъноси унутилган сўзлардан иборат луғат олдиндан тақдим этилиши керак. Биз ҳам, Р.Ниёзметованинг фикрларига қўшилган ҳолда, шеърга доир луғат устидаги ишларни 1-2, баъзан 3 дарс олдин бошлаш шарт деб ҳисоблаймиз. Ўқувчилар луғатдаги сўзларнинг маъносини тез англай олишлари даркор³.

¹ Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гуруҳларида). – Т., «Фан», 2007. – 79-бет.

² Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Qosimxo‘jayeva D. Ta‘lim qozoq tilida olib boriladigan umumta‘lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To‘ld. 3-nashri. – Т., «Sharq», 2005. – 24-бет.

³ Йўлдошев Р. Сўзни тез эслай олиш малакаси // Boshlang‘ich ta‘lim, 2000. – 3-сон. – 20–21-бет.

⁴ Любимова Е.Д. особенности восприятия младшими школьниками поэтических произведений: Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1975. – С. 19.

Бунинг учун уларни, методик манбаларда тавсия этилганидек, таниш сўзлар куршовида англашга ўргатувчи, ўзбек тилидан рус тилига таржима қила билиш малакасини ҳосил қилувчи машқлар турли кўринишларда амалга оширилмоғи зарур бўлади. Табиийки, сўзлар англономаси, шеър мазмуни ва ғояси тушунилмаси, шоир ва китобхон ўртасида мулоқот содир бўлмайди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, янги, нотаниш сўзларнинг русча таржималарини – маъноларини эслаб қолиш шеърини асарни бадиий идрок этиш йўлидаги дастлабки қадам саналади. Е.В.Лужановскаянинг таъкидлашича, «Шеърдаги сўз тўйинган, семантик мураккаблашган, «тиғизланган» бўлади»¹. Ушбу сўзлар идрок учун қийинлашган бўлади, чунки шеърда ўзига хос равишда поэтик ва тил омиллари ўзаро таъсирга киради.

Шеърини асарларнинг мазмунини тўлиқ тушунишга, уларни бадиий идрок этишга монелик кўрсатадиган тил ходисалари сифатида грамматик материалларга ҳам эътиборни қаратган бўлардиқ. Айниқса, лирикада меъёрий грамматикадан четланишлар кўпроқ кузатилади. Масалан, **-ни, -нинг** қўшимчалари **-н** шаклида, *бойламоқ* боғламоқ ўрнида, *тилло* тилла ўрнида, *шул* ўрнида, *-ла* билан ўрнида, *-чун* учун ўрнида каби ишлатилади.

Шеър мазмунини тушунишда қуйидагилар тўсиқ бўлиши мумкин: 1) семантик архаизмлар; 2) услубий бўялган сўзлар (услубий архаизмлар, эмоционал-экспрессив бўялган лексика, функционал-услубий лексика); 3) сўз ва гапнинг тенг келиб қолиш ҳолатлари; 4) ўзбек тили меъёрларидан фонетик ва грамматик жиҳатдан четланиш ҳолатлари².

¹ Любимова Е.Д. особенности восприятия младшими школьниками поэтических произведений. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1975. – С. 19.

² Лужановская Е.В. Изучение лирики в курсе «Лингвистический анализ художественного текста» в национальной (литовской) аудитории. Автореферат дисс. ... канд. педнаук. – М., 1979. – С. 25.

Баъзи сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, номлар, тасвирий воситалар изоҳлашни талаб этади. Уларни шеърни ўқишга қадар дарсга ҳозирлик кўриш чоғида белгилаб чиқиш керак бўлади. Чунки ўқиш пайтида ўқитувчи айрим тушунчаларнинг изоҳини айтишда қийналиб қолиши ва шу туфайли ноқулай вазиятга тушиши мумкин. Идрок этувчилар нуқтаи назаридан (русийзабонлар) (*шеърни ўқишдан олдин ёки кейин*) шарҳлаш учун қуйидагилар ажратилиши даркор: 1) турғун сўз бирикмалари ва иборалар; 2) миллий қадриятлар ва маънавиятга доир билимларни талаб этадиган сўз ва сўз бирикмалари; 3) ўзбек ва рус тилларида мос келмайдиган услубий бўёқли сўз ва сўз бирикмалари; 4) семантик майдони ўзбек ва рус тилларида мос келмайдиган сўз ва сўз бирикмалари.

Шеърнинг интонацион-синтактик қурилиши гап ва боғланишли (яхлит) матн даражасида кўрилади.

«Гап даражасида қуйидагилар шарҳланади:

1) гапнинг синтагматик бўлиниши, синтагмаларнинг гап ичида тақсимланиши;

2) нутқнинг синтактик ва ритмик бўлинишидаги нисбат;

3) гапда паузаларнинг тақсимланиши, маъновий ва ритмик паузаларнинг мос келиши (мос келмаслиги);

4) гапда сўз тартиби;

5) мантиқий урғуларнинг қўйиб чиқилиши;

6) гап оҳанги;

7) синтактик фигуралар, гапнинг симметрик қурилиши»¹.

Бадиий асар тили, бир томондан, коммуникативликни ифода этса, иккинчи томондан, эстетик жиҳатни намоён қилади, ана шу икки томонламалилик тил воситаларининг маъносини тўғри англаш жараёнини мураккаблаштиради. Поэтик тил таҳлилида, бир томондан, лисоний ёндашув, иккинчи томондан, адабий ўқишга хос ёндашув қўшиб олиб борилиши керак.

¹ Ўша асар, 18-бет.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганиш ўқувчиларнинг шарқона бадий дидини ўстириш, ҳис-туйғулар уйғотиш орқали одоб-ахлоқига ижобий таъсир этиш, миллий маънавиятимиз ҳақидаги тасавурларини бойитиш ва кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда сўз бойликларини ошириш, сўз орқали бадий образ яратишдаги ўзига хосликларни кўрсатиш ишларини ташкил этиш имконини беради.

Русийзабон ўқувчи шеърий асардан таъсирланиши, завқ олиши учун биринчи навбатда унинг барча сўзларини англаган ҳолда мисралар мазмунини тушуна олиши керак. Лекин айрим сўзлар маъносини тушуниш учун кўшимча изоҳлар талаб этилади. Ўлкашунослик билан боғлиқ сўзлар шулар жумласига киради.

Ўлкашуносликка доир сўзларнинг турлари Р.Ниёзметованинг «Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси» номли монографиясида муфассал санаб кўрсатилган¹.

Бадий асардаги янги ва нотаниш лексик материаллар устидаги ишлар ҳақида Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметоваларнинг ишларида атрофлича сўз юритилган. Қ.Хусанбоева мумтоз асарларни ўрганиш хусусидаги тавсияларида янги сўзлар маъносини уч устун шаклида икки хил тушунтиришни маслаҳат берган. Биринчи устунда қийин сўзлар, иккинчи устунда уларнинг «ҳозирги тилдаги синоними», учинчи устунда таржимаси жой олган.

Масалан, Аҳмад Яссавийнинг «Дунё менинг деганлар...» деб бошланувчи шеърига доир қуйидаги луғат келтирилган²:

¹ Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гуруҳларида). – Т., «Фан», 2007. – 135-бет.

² Хусанбоева Қ. Ўзбек мумтоз адабиётидан материаллар (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). – Т., РТИММ, 1995. – 5-бет.

Қийин сўз	Ҳозирги тилдаги синоними	Таржимаси
Каркас	ўлимтик, жасад ейдиган, узок яшайдиган куш	гриф
Мулло	диний билимларни эгаллаган билимдон киши	образованный, знающий человек
Томуғ	дўзах	религии
...		ад

Мазкур луғатда ўн учта сўз ўз аксини топган.

Умуман, ўқитувчи ҳар бир ўрганилаётган шеърдаги барча сўзларнинг уни ўқишга қадар нофаол даражада бўлса ҳам тушунтирилган ва ўзлаштирилган бўлишига эришмоғи лозим.

2. Тасвирий ифодалар, миллий маънавият, ўлкашунослик билан боғлиқ сўзлар, номларни изоҳлаш

Методист Л.Г.Байкиева бадий асарни идрок этиш ҳақида ёзади: «Китобхон-ўқувчининг ақли, туйғулари ва хаёлий тасаввурини кенг қамраб олувчи жараён бўлмиш бадий асарни идрок этиш биринчи навбатда ундан асар тилига – сўз билан образлар яратишнинг асосий воситасига чуқур кириб боришни талаб этади. Поэтик нутқни ўрганиш образларни англаб етишга ёрдам бериб, асарнинг умумлашган тағ маъносини, ғоявий мазмунини тушунишни чуқурлаштиради. Миллий мактаблар шароитида эса бадий нутқни кузатиш яна алоҳида аҳамиятга эга: ўқувчилар луғатини янги лексика ва иборалар захираси билан бойитибгина қолмай, тил ҳиссини ҳам ривожлантиради»¹.


Ойбекнинг «Оқшом юлдузи» шеърида русийзабон ўқувчи «кўк ойнасидан», «кўнглимга шивиллайсан», «сендан оқади

¹ Байкиева Л.Г. Работа над языком произведений русской литературы в старших классах татарской школы (на материале прозаических произведений). Автореферат дисс. ...канд.пед.наук. – Куйбышев, 1973. – С. 3.

фусун», «булутларнинг қоп-қора бахмали», «Кўз ёшим қатрасига кирдинг», «илҳом рўёсида», «сузгун нигоҳ», «Ёнди сеҳрли оҳинг!», «Кўнгилларни уладинг», «олтин бўса», «дудоклардан сачрадинг», «Оташи ёқар ҳали» каби сўз ва иборалар, шеърий мисралар устида ишлар экан, у шоирнинг ўзбек тилига хос сўз ишлатиш маҳорати билан таниша боради, тил ҳисси орқали нозик ифодалар сеҳридан баҳраманд бўлади. Лекин бу иш ўқитувчидан қўшимча билим ва меҳнат талаб этади. Бу нарса ўқувчиларни шаклни аниқ идрок этиш орқали асарнинг поэтик оламини забт этишга ўргатиш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Бу оламнинг нечоғлик кенглигини қуйидаги чизмадан ҳам тасаввур қилиш мумкин (2.1.1-расмга қаранг).

«Поэтик нутқ санъат тили – поэтик тил сифатида майдонга чиқар экан, унинг тузилишидаги барча қирраларга ҳам, хусусан, интонацион қурилишига ҳам, табиийки, соф лингвистик пландагина эмас, унинг функциясида келиб чиқиб, яъни шеърийат доирасида амалга оширилиши керак. Бошқача айтганда, шеърда лингвистик эмас, балки поэтик тил устувор саналади»¹.

Шеърий нутқнинг умумий чизмаси [93,8].



2.1.1-расм.

¹ Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. – М., «Наука», 1986. – С. 7.

Шеър тузилишида ритмнинг семантик роли катта. Шеъррий ритм сўз танлашга ҳам, маъно-мазмун ифодалашга ҳам, умуман, мисраларни мазмун жиҳатдан шакллантиришга ҳам таъсир этади. Шеъррий матнни ҳосил қилишда ритм ҳосил қилувчи омилларга – товуш, лексик ва синтактик такрорлар муҳим роль ўйнайди. Булар ритм (муסיқийлик) талабига бўйсундирилган ҳолда амалга оширилади. Бошқача айтганда, шеъррий нутқ ҳам оҳанг, ҳам маъно жиҳатдан бойитилади. Бундай тигизлашув шеърни ўқиб-ўрганишдаги қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Бадий асар тили табиатида ижтимоий ва тарихий жиҳатлар мавжуд бўлади. Шеърнинг мазмуни унда кўтарилган муаммо доирасида савияга мос бўлиши зарур. Зеро, инсонга хос барча туйғулар турли ёшдаги болаларга бирдай тушунарли бўлавермайди. Айниқса, бу туйғулар экстралингвистик омиллар асосида уйғотилаётган бўлса, ўқувчиларда ҳам шу омиллардан таъсирланиш юзага келиши лозим. Масалан, Абу Али ибн Сино деганда чексиз фахр ҳисси пайдо бўлиши даркор. Бунинг учун русийзабон ўқувчи мазкур олимнинг жаҳон тиббиёт фанига қўшган улкан ҳиссасидан хабардор бўлиши зарур.

Шундан сўнг шеър ўқувчиларга навбат билан ўқитилади. Бу жараёнда шеърдаги тушунилиши қийин бўлган баъзи сўзлар ҳисобга олиниб, уларга изоҳ берилади. Бу ишни ўқитувчининг ўзи доскада куйидаги жадвалга солиб кўрсатса ҳам бўлади:

Тушунилиши қийин бўлган сўзлар	Изоҳи
тишда	Ташқарида
...	...

Бошқача айтганда, шоир онгида ҳаёт қандай акс этган бўлса, қайси кадриятларга устувор аҳамият берилган бўлса, шундай тасвирга монанд шарт-шароит китобхон кўз олдида гавдаланиши керак.

3. Айрим мисраларнинг синтактик қурилиши устидаги ишлар

Шеърий асарларнинг айрим мисралари мазмунини тушуниш қийинлиги ҳам мавжуд. Буни назорат ишлари, кузатишлар ҳам тасдиқлайди. Фикримизнинг аниқлиги учун ўқувчиларга дарсликлардаги шеърлардан олинган мисраларни ўқиб рус тилига таржима қилиш учун бердик. Натижа шуни кўрсатдики, аксарият мисраларнинг мазмуни тўғри англамаган. Ғафур Ғуломнинг «Вақт» шеъридан олинган «Ғунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик» мисрасини 40 ўқувчидан 5 ўқувчигина рус тилига чала ўгира олган. Бу нарса шеърий асарни ўқишдан олдин айна шу йўналишдаги ишлар ҳам бажарилиши кераклигини исботлайди. Шунинг учун бўлса керак, педагогика фанлари номзоди Р.Йўлдошев бошчилигида яратилган «Ўзбек тили» дарсликларида ўқилажак шеърдан олинган айрим мисралар гап ҳолига келтирилиб, бир дарс олдин ёки бевосита шеърдан аввал ўқиш ва рус тилига таржима қилиш учун машқ материали сифатида ҳавола қилинган. Шу йўл билан ўқувчилар шеърий асарни тўлиқ ва тўғри тушуниб ўқишга гайёрланган.

Шеърий асарни дастлабки эшитиш ёки ўқишдаёқ мазмунини тўлиқ ва тўғри тушуниш учун сўзларинигина эмас, балки барча мисралар мазмунини тушуниш талаб этилади. Олдиндан шеърий мисраларни гаплар ҳолида ўқиб она тилига таржима қилиш ана шундай имконият яратиб беради.

Агар шеър ўқувчини ҳаяжонлартира олса, у кўпгина хилма-хил ва олижаноб туйғулар уйғота олади. Шунинг учун шеър ўқилиши биланок китобхоннинг идроки уни бир бутун қамраб олишга ошиқади. Айрим-айрим таркибий элементлардан ўзаро ажралмас таркибий бутунлик юзага келади. Асардаги бадиийликни таъминлаб берган бирликларни (товуш, ритмик, интонацион, таг маъно) англаш йўлида ушбу бирликлар орасидаги

янги алоқаларни тушуниш, тил бирликларининг қўшимча маънолари билан танишиш содир бўлади. Асарнинг ички алоқаларини англаш фикр ва ғояни яна ҳам тўлиқроқ тушунишга олиб келади.

4. Шоир шеърларининг ғоявий йўналиши ҳақида кириш сўз

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларда ўзбек тилидаги бадий асарни ўрганиш аввалида ўтказиладиган ўқитувчининг кириш сўзи ҳақида Р.Ниёзметова кенг тўхталган [107,122-133]¹ Кириш сўзи русийзабон ўқувчини шеърый асарни ўқишдан кўзланадиган мақсаддан вокиф этади, асардан эстетик завқ олиш сари йўналтиради, бир сўз билан айтганда, ўқишга доир кўрсатма бериш вазифасини бажаради.

Шеърый асарни ўқишдан аввал ўтказиладиган ўқитувчининг кириш сўзи орқали ўқувчилар шеър муаллифи билан танишадилар, баъзан шеърнинг яратилиш тарихини билиб оладилар. Ўқитувчи шеърнинг юксак санъат асари эканлиги, уни тинглаган киши мусиқа эшитгандай эстетик завқ олишини таъкидлайди. Дарсда шеърни ифодали ўқишни ўрганиб, шундай ўқиш орқали бошқаларга эстетик таъсир қилиш мумкинлигини айтади, шу йўл билан ўқувчиларни асосий таълимий вазифадан хабардор этади. Шундай қилинганда, одатда бўладиганидек, шеър ўқилишини эшитган ўқувчилар дарҳол «Мен ўқий» деб қўл кўтаришдан ўзларини тиядилар, чунки кириш суҳбати уларда масъулият ҳисси пайдо этган бўлади.

Айрим методист олимлар кириш суҳбати ўтказишни маслаҳат берар эканлар², бунда ўқувчиларни шеър мазмунига олиб

¹ Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гурухларида). – Т., «Фан», 2007. – 122–133-бет.

² Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гурухларида). – Т., «Фан», 2007. – 215-бет.

Tolipova R. O'zbek tili. 6-sinf. O'qituvchi uchun qo'llanma. – Т., «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. – 96-бет.

кириш мақсадини кўзда тутадилар. Чунончи, Ш.Орифий Уйгуннинг «Ёз» шеърини ифодали ўқитишдан олдин ўқитувчи ўқувчилар билан ёз фаслининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кириш суҳбати ўтказиши лозим¹ деб ҳисоблайди. Профессор Р.Толипова «Мураббо» шеъри юзасидан шундай кириш суҳбатасия этади. «Бу шеър материални ўтган дарслар материалига боғлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга эрталаб нонуштада ёки кечкурунги овқатда дастурхонда яна нималар бўлиши мумкинлиги ҳақида савол ташлайди. Ўқувчилардан бири, албатта, мураббони эслайди, чунки бу сўз билан ўтган дарсда танишилган ўқитувчи мураббо (варенье) ҳақида ўртага савол ташлаб ўқувчилар у олма, олча, беҳи, олхўри ёки бошқа мевалардан шакар билан пиширилиши ҳақида айтишларига эришади ҳамда бугун улар олхўри мураббоси ҳақида шеър ўқишлари ва ёдлашларини айтади»². Аён бўладикки, муаллиф кириш суҳбатидан ўзбек тилини ўрганиш воситаси сифатида фойдаланиш нуқтаи назаридан тавсиялар бермоқда. Чунки суҳбат ўқувчиларни шеърдан, олхўри мураббосидан таъсирланишга тайёрлаётгани йўқ. Аслида болалар шеърдаги жонли предметларга тегишли бўлган ҳаракатларни, улардаги ўзгаришларни кўпроқ тилга оладилар. Жонсиз предметлар эса уларни камроқ қизиқтиради.

Р.Толипованинг «O‘zbek tili. 6-sinf. O‘qituvchi uchun qo‘llanma»сида мавзуга киришни қуйидаги мазмунда ташкил этиш ҳақида маслаҳат берилади: «...ўқитувчи ўтган тил дарсида табиат ҳодисаларини тасвирлашни ўрганганлари, шу жумладан бадий асарларда истиора (метафора) ҳамда жонлантиришлар ҳақида тушунчага эга бўлганликларини эслатади. Бу бадий воситаларда табиат ҳодисалари худди тирик мавжудотлар каби

¹ Орифий Ш. Мактабда лиро-эпик асарларни ўрганиш. Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. Тўлдирилган 2-нашри. – Т., «Ўқитувчи», 1981. – 11-бет.

² Толипова Р.Т. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2–4-синфлари учун «Ўзбек тили» дарсликларига методик қўлланма. «Тил ва адабиёт таълими» журналіга илова. – Т., Ўзбек тили маркази, 2001. – 87-бет.

овоз чиқариши (сой ўкиради), кишилар каби гапириши ёки ҳаракат қилиши (барглар чапак чалади) тасвирланишини кўрсатиб, ҳозир ўқиб ўрганиладиган «Сўзловчи ёмғир» шеърда ҳам ёмғирнинг худди инсон каби ўзи ҳақида ҳикоя қилиб бериши тасвирланганини тушунтиради»¹. Бундай суҳбат ўқувчиларни шеър мазмунига олиб киради, уларга тасвир воситаларига эътибор қаратиш лозим, деган кўрсатма беради. Бу жуда муҳим. Лекин, кузатилган дарслардан маълумки, суҳбат ўқувчиларда шеърни ифодали ўқиш керак, деган масъулият ҳиссини пайдо этмайди. Шунинг учун улар шеър ўқилишини эшитган ҳамон «Мен ўқий» деб қўл кўтардилар, ҳолбуки ҳали улар шеърни ифодали ўқишга тайёр эмаслар.

Ўқитувчи кириш сўзида шеърятнинг муҳим хусусиятларига ўқувчилар диққатини тортиб, зарур назарий тушунчаларни шакллантириш, уларни шеър таҳлилига назарий жиҳатдан тайёрлашга ҳаракат қилиши лозим. Бу жараён икки кўринишда амалга ошади:

1. Ўқитувчи ўқувчиларни лирик тур ва унинг ички жанрлари ҳақидаги мавжуд билимларга суянади.

2. Шеър системалари ва шеър тузилишига оид билимларни такомиллаштириш, бойитиш ва чуқурлаштиришга интилади. Бу йўл билан ўқувчиларни шеър мазмунини ҳиссий ва ақлий идрок этишга йўллайди².

Хуллас, русийзабон ўқувчилар билан ўтказиладиган луғат иши шеърни ўқишга қадар бўлган босқичда бўлгани маъқул. Шеърда поэтик таг маъно яширин бўлади. Лекин сўзлар воситасида англашиладиган мазмун билан таг маъно шеърнинг лисоний қурилиши барча сатҳларида: фонетик, лексик, грамматик интонацияни мустасно этмаган ҳолда намоён бўлади.

¹ Tolipova R. O'zbek tili. 6-sinf. O'qituvchi uchun qo'llanma. – T., «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. – 53-bet.

² Мирзасева Д.Ж. Ҳозирги ўзбек лирик шеъриятида бадий тафсил. Филол.фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 1994. – 40–41-бет.

Методист олим Қ.Йўлдошевнинг қуйидаги огоҳлантириши ниҳоятда ўринлидир: «Кўпчилик ўқитувчилар ҳам, ҳатто айрим усулиётчи олимлар ҳам ифодали ўқиш деганда баланд овоз билан тиниш белгиларига риоя қилиб, кўтаринки руҳда қироат қилишни тушунадилар. Ҳолбуки, асл лирик асарларни аксарият ҳолларда бор овоз билан ўқиб бўлмайди. Ҳатто баланд, кўтаринки, бинобарин, носамимий ифода шеърдаги майин лиризмни йўққа чиқариши мумкин. Хуллас, ифодали ўқиш – бу ижодкорнинг ҳолатини туйиб, асарга муҳрланган руҳий манзаралар бағрида туриб ўқий билиш демакдир»¹.

Шеърни ифодали ўқиш бадиий идрокнинг юқори чўққисига етганидан далолатдир. Бу борада Б.Тўхлиевнинг қуйидаги хулосаси ўринли айтилган: «Шеърый асарни англаш, ундаги муаллиф кўзда тутган ниятни, мақсад ва вазифаларни тушуниб етиш, шеър ғоясининг мағзини чақиш уни уқишдан, янада аникроғи, ифодали ўқишдан бошланади»².

Юқоридаги талаблар даражасида тайёргарлик кўрган ҳолда шеърни тинглаётган ўқувчи олдида икки вазифа туради: 1) шеър мазмунини тушунган ҳолда ундан таъсирланиш, эстетик завқ олиш, 2) ўз навбатида ифодали ўқишга тайёрланиш.

Ўқитувчининг, сўз устасининг ифодали ўқишидан сўнг ўқувчи энди бехосдан «Мен ўқий» демайди. У қандай ўқиш кераклигини билиб олди. Ўқитувчи ифодали ўқишни талаб этса, шунга ўргатса, бўлди. У бу ишни бажонидил бажаради, чунки ўзида шундай ният туғилади.

Шеърый асарларни ифодали ўқиш ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. С.Иномхўжаевнинг «Бадиий ўқиш асослари» қўлланмасида ёзма нутқ бадиийлиги хусусида бун-

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Т., 1997. – 235–23 бет.

² Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси: (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юрглариининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун қўв қўлланма сифтида тасвия этилган). – Т., «Янги аср авлоди», 2006. – 80-бет.

дай дейилади: «...ёзма нутқ бадийлиги баён этилаётган фикр-даги ихчамлик, ифодалилик, кўркамлик, таъсирчанлик каби қатор компонентларни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, бирор фикр ифодаси учун сараланган аниқ маъноли ва кўркам сўзлар мажмуаси ҳамда уларнинг адиб томонидан композицион (стилистик) таъсир бахш қилиб жойлаштирилишига ёзма нутқ бадийлиги дейилади». «Ифодали ўқиш бадий сўз санъатининг дастлабки босқичи бўлиб, ўзига хос муайян шарт ва қоидаларига эга. Ифодали ўқишнинг асосий шартлари адабий материалдаги: а) тиниш белгиларига риоя қилиш, б) мантиққа путур етказмаслик ва в) ўша материални дона-дона ва бурро-бурро, тушунарли қилиб ўқиб беришдан иборат»¹.

Муаммо шундаки, русийзабон ўқувчи ўзбек тилидаги шеърни ўқир экан, унга мос ритмни топишга ҳаракат қилади. Ўқитувчининг ўқишидан рус тилидаги шеър ритмига қисман ўхшамайдиган талаффузни пайқайди. Энди буни англаб олиб, шундай ўқишга амал қилиш учун ўқитувчидан тушунтиришни кутади. Акс ҳолда ўзбекча ифодали ўқишда русча ритм таъсири кузатилиши мумкин.

Ўзбек тилидаги шеър билан рус тилидаги шеърнинг ритмик қурилиши бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Методист олим Т.Бобоев таъкидлаганидек, «Жаҳон халқлари шеърлятида метрик (антик), аруз, силлабик, тоник, силлабо-тоник каби шеър тизимлари қўлланилиб келинган»².

Бармоқ вазнидаги ўзбек ва рус шеърлятидаги фарқлар урғули ва урғусиз бўғинга бўлган эътиборда намоён бўлади. Ўзбек шеърлятида У.Тўйчиевнинг таъкидлашича, «Бармоқда бўғиннинг сифати, урғули ёки урғусизлиги фарқсиздир...», «...бармоқ системасида ритмнинг юзага келиши урғунинг мисралардаги сони ва жойланишига боғлиқ эмас. Ритм бармоқ

¹ Иномхўжаев С. Бадий ўқиш асослари: Театр ва педагогика институтлари ҳамда миллий-оқартув техникумлари учун қўлланма. – Т., «Ўқитувчи», 1973. – 6–14-бет.

² Бобоев Т. Олий ўқув юрғларида ўзбек шеърляти поэтикаси асосларини ўрганиш. Пед. фан. докт. ... дисс. автореферати. – Т., 1998. – 19-бет.

системасида бўғинларнинг очик ёки ёпиқлиги билан ҳам алоқадор эмас»¹.

Силлабик (бўғин) шеър системаси дунё халқлари, хусусан, туркий халқлар поэзиясида кенг тарқалган. Бу системада ёзилган шеърлар кучли мусиқийликка эга ва бу мусиқийлик кишига унинг эшитув сезгиси орқали эстетик таъсир этади.

Рус шеърига келсак, А.Карповнинг тушунтиришича, ҳар бир сўз чегарасида урғули бўғиннинг урғусиз бўғинга яққол қарши қўйилиши рус тилининг характерли хусусиятидир. Тилнинг ушбу хоссаси рус шеърининг ритмик ташкил этилиши учун асос ҳисобланади².

Маълумки, рус силлабик (силлабо-тоник) шеърида ритми юзага келтиришда урғули ва урғусиз бўғинларнинг мисраларда муайян тартибда келиши муҳим роль ўйнайди. Ўзбек шеъриятидаги бармоқ системасида эса ритм бўғинларнинг сифатига эмас, балки сонига кўра юзага келади. Арузда бўлгани каби урғули ва урғусиз бўғинлар тартибланмайди. Ўзбек тилида мисранинг қофия қисмидагина урғули ва урғусиз бўғинлар мослиги кузатилади. Масалан:

Новдаларни безаб гунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини.
Ва шаббода курғур илк саҳар,
Олиб кетди гулнинг тотини (Ҳ.Олимжон).

Юқоридаги банднинг иккинчи ва тўртини мисрасида «отини», «тотини» сўзлари ўзаро қофия бўлиб келиб, урғули ва урғусиз бўғинлар U-U тартибида келган. Ушбу сўзлар мантиқий урғу олгани учун бу сўзлардаги биринчи бўғин - «о», «то» бўғинлари яна ҳам кучлироқ талаффуз қилинади.

Рус шеърида урғули бўғиндан кейин пауза келади. Мисрада урғули бўғин қанча кўп бўлса, «мисра ичидаги паузаларнинг

¹ Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Т., «Фан», 1966. – 31–32-бет.

² Карпов А. Ритмическая организация стиха // Изучение стихосложения в школе: Сб. ст. Под ред. Л.И.Тимофеева. – М., Госучпедгиз МП РСФСР, 1960. – С. 21–58. С. 24.

кескин кучайишига олиб келади»¹. Бу ҳолат шеърнинг ритмикасини янада орттиради. Ўзбек шеърида эса пауза, асосан, туроқланиш орқали содир этилади, яъни ҳар бир туроқдан кейин пауза кузатилади.

Ўзбек тилида мисрадаги урғули бўғинларнинг ҳаммаси рус тилидаги каби бирдай кучли эмас, шунинг учун ўзидан кейин бир хилдаги паузларни талаб этмайди. Шунинг учун русийзабон ўқувчи ўзбек шеърини ўқиганда силлабик тизимга мослашга, урғули бўғинларни тартиб билан келтиришга, уларни зарб билан айтишга, урғули бўғиндан кейин пауза қилишга мойил бўлади.

Шеърый асарнинг ритмикаси таъсирчанликни юзага келтиради. Шеърдаги ритмика мусиқийликни ҳам, жарангдорликни ҳам пайдо этади. Русийзабон ўқувчи ўзбек шеърдан ўз тилида битилган шеър ритмикасини қидиради, ўқишда ҳам шунга асосланмоқчи бўлади, ўхшашликни топмагач, ҳайрон бўлади. Дарҳақиқат, ўзбек шеърдаги ритмика билан рус шеърдаги ритмика ўхшашлик қатори муайян тафовутларга ҳам эга.

З.И.Боранбаева рус шеъри билан қозоқ шеърини қиёслаш асосида уларнинг ички қурилишидаги ўзига хосликларни ажратади. Қозоқ шеърда ҳам урғу ритм ҳосил қилувчи омиллар жумласига кирмаслиги, сўз чегараси метрик гуруҳлар билан мос келмаслиги, туроқланиш жихатидангина рус шеърига ўхшашлик туғдириши мумкинлиги ва бошқа шу каби тафовутларни кўрсатади². Бу маълумотлардан таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърый асарларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, ўқитувчи Пушкин ёки Лермонтовнинг шеърларидан икки мисра келтириб, мисрада бўғинлар сони, урғули

¹ Карпов А. Ритмическая организация стиха // Изучение стихосложения в школе: Сб. ст. Под ред. Л.И.Тимофеева. – М., Госучпедгиз МП РСФСР, 1960. – С. 31.

² Боранбаева З.И. Изучение русской поэзии в нац. (казахской) школе в свете сравнительного стиховедения. Автореферат дисс. ... канд.педнаук. – М., 1986. – С. 9-10.

ва урғусиз бўғинларнинг тартиб билан келиши, урғули бўғиннинг кучли айтилиши, ундан кейин пауза борлиги каби жиҳатларини ўқувчиларнинг ёдига солади. Шундан сўнг ўзбек тилида урғули ва урғусиз бўғинлар рус тилидаги ямб ва хорей тизимидаги шеърларда бўлгани каби тартиб олмаслигини таъкидлайди. Шеърин мисра туроқларга ажралиши, ҳар бир туроқдан кейин пауза қилиниши, баъзан тиниш белгиларига кўра ҳам паузалар бўлиши, урғули бўғинлар рус тилидаги каби кучли зарб билан айтилмаслиги кабилар ҳақида тушунча беради. Албатта, бундай изоҳлар бир йўла барча масалаларни қамраб олиши мумкин эмас. Қолаверса, 2-9-синфларда катта миқдордаги шеърин асарлар ўрганилади. Оз-оздан кўп нарсалар хусусида маълумот бериш имкониятлари катта.

Шеърин асарларни ифодали ўқишда мантиқий, грамматик ва психологик паузаларнинг роли катта. Мантиқий пауза нутқни силлиқлайди, унга сайқал беради. Ҳис-ҳаяжонли пауза жумланинг, адабий парчанинг психологик моҳиятини очади, унинг таъсирчанлигини кучайтиради. Шу тариқа образ – кечинма воситасида олам манзараларини яратиш - шеърин асарга хос бош хусусият эканлиги англанади.

Шеърни ифодали ўқишдаги интонация ўзига хос. Бунда талаффузга ритмик оҳанг қўшилади, натижада интонация яна ҳам бойийди, ифодали ўқиш талаффузни эгаллашдаги қийинчиликлар билан характерланувчи тил тўсиғини оҳанг орқали енгиб ўтишга ёрдам беради, ўқув матнлари орқали эгалланаётган миллий маданий-эстетик тажрибани ишга солишга кўмаклашади. Ҳар бир боланинг ўзига хос шеърин ритм ҳисси борлигини ҳам унутмаслик лозим. Ана шу ритм ҳисси ўқишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, айна пайтда индивидуалликни ҳам келтириб чиқаради.

Ўқувчиларда ифодали ўқиш малакаларини ҳосил қилишда асосий масъулият ўқитувчи зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам, биринчи галда, ўқитувчидан ўзбек ва рус тилларида яра-

тилган шеърларнинг ритмик қурилишини, ифодали (бадий) ўқиш асосларини пухта эгаллаш талаб этилади. У ифодали ўқиш ўтказиладиган дарсга олдиндан тайёргарлик кўриши керак.

Ифодали ўқиш навбати ўқувчиларга келганда, бу ишга катта масъулият билан ёндашиш керак. Мақсад – шеърни тинглаш пайтида уйғонган эзгу туйғулар нўноқ ифодали ўқиш туфайли сўниб кетмасин. Шунинг учун ҳам дастлаб шеърни ифодали ўқий оладиган ўқувчи ўқийди. Бунда ҳам барчанинг диққати жамланиб, синфдошлари ўқиганда ҳам, шеърдан таъсирланиш содир бўлиш-бўлмастлигини айтиш вазифаси топширилади. Шеър ўқиб бўлингандан кейин бир оз вақт ўтгач, ўқувчилардан шеърдан олган таассуротлари сўралади.

Ниҳоят, айланма ўқиш ташкил этилади. Ҳар бир ўқувчи бир-икки банддан ўқийди. Лекин у ифодали ўқишни эплай олмаса, ўқитувчи қўшимча изоҳлар беради, қаерларини қандай ўқиш зарурлигини намуна орқали тушунтиради.

Шеъринг асарни ичдан ўқиганда бир хил, овоз чиқариб ўқиганда иккинчи хил идрок этилади. Иккинчисида унинг интонацион жиҳатлари яхшироқ, тўлароқ очилади. Шунинг учун дарсда ифодали ўқишга кўпроқ таяниш лозим. Акс ҳолда назм ёмонлашган насрга айланиб қолади.

Ифодали-охангдор қилиб ўқиш масаласи тўғри йўлга қўйилиши лозим. С.П.Матулайтене, Л.И.Беляева аниқлаган қуйидаги фактга эътиборни қаратади: шеъринг асарларни ўқиш ва идрок этишдаги қийинчиликлар шеъринг нутқнинг ритмик ташкил этилишида ўз ифодасини топади¹.

Матнни ифодали ўқиш бадий асарни дастлабки таҳлил қилиш (ўқитувчининг тушунтириши асосида) жараёнини ўз ичига қамраб олади. Дарҳақиқат, қайси сўзларга нима учун

¹ Матулайтене С.П. Методика изучения структурных и функциональных особенностей стихотворной речи в восьмилетней школе (на основе литовской поэзии). Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1980. – С. 1.

урғу бериш лозимлиги, қайси сўзлардан кейин паузалар бўлиши зарурлиги ва бошқа кўпгина изохлар таҳлилни эслатади. Бинобарин, бадий асар эмоционал таъсир кучининг, ўқувчиларни адабиёт ва бадий асарларга меҳр ва муҳаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Русийзабон ўқувчилар шеър қурилишига доир рус адабиёти дарсларида олган билимларига суянадилар. Ўзбек тили дарсларида янги назарий билимлар ҳам берилади. Чунончи, шеърни ифодали ўқишга ўргатишда унинг айрим муҳим жиҳатларини шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. Даставвал ўқиш оҳанги маълум қилинади. Шундан кейин ўқувчиларнинг диққати туроқларга, улардаги бўғинлар сонига қаратилади. Сўнгра олдинги мисра кейинги мисра билан қўшилиб кетадиган ҳолатлар кўрсатилади. Ниҳоят, мантикий урғу билан айтиладиган сўзлар ажратилади.

Е.В.Лужановскаянинг тавсиясига кўра, мисраларни ташкил этувчи гаплар боғланишли матн нуқтаи назаридан шарҳланади: «1) гапнинг бандда жойлашуви; 2) гапларнинг бирлаштирилиш усуллари; 3) шеърдаги гапларнинг симметриклиги (ассимметриклиги); 4) шеърда риторик ва синтактик тасвирий ифодаларнинг бор-йўқлиги»¹.

Шеърятда икки коммуникатив тизим, шунга кўра икки интонацион тизим бирга яшайди: бири шеъринг ритм билан, иккинчиси маъно урғуси билан боғлиқ. Уларнинг вазифаси бир хил эмас. Шеърнинг интонацияси, ва ритмикаси, мисраларининг метрик ташкил этилганлигида уни ифодали ўқиш қоидалари гўё муҳрлаб қўйилган бўлади, бу қоидалар тил ҳисси орқали пайқалади. Ҳар қандай шеърнинг ўзига хос оҳанги борлиги шундандир. Шеъринг матнга муҳрланган интонацияни ўзга интонацион тизимга кўчириш мумкин эмас. Мусиқийлик

¹Лужановская Е.В. Изучение лирики в курсе «Лингвистический анализ художественного текста» в национальной (литовской) аудитории. Автореферат дисс. ...канд. пед.наук. – М., 1979. – С.18.

қатор методист олимларнинг диққат марказида бўлган. Бу борада Т.Бобоев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, Ш.Орифий, С.Бадриев, Е.В.Лужановская, С.Матчон, Браже, Е.Д.Любимова, Ф.Эгамбердиева ва бошқа методистларнинг хизматлари катта. Бевосита таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида асар таҳлилининг бир унсури – савол ва топшириқлар тузиш, улардан фойдаланиб таҳлил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломоваларнинг тадқиқот ишларида ёритилган. Лекин ўзбек тилидаги шеърини асарни яхлит таҳлил қилиш муаммолари махсус изланишларни давом эттириш кераклигидан далолат беради.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърини асар таҳлили асосий маърифий-таълимий ва тарбиявий мақсадларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади. Чунончи:

- 1) шеърнинг ғоявий мазмуни асосида шарқона тарбия амалга ошади;
- 2) русийзабон ўқувчи шарқона шеърини санъатлар билан танишади;
- 3) миллий маънавият ва қадриятларни эгаллай боради;
- 4) шеърини асарнинг эстетик таъсири чуқурлашади;
- 5) ўқувчиларнинг сўз бойлиги ортади, ўзбекча нутқи ўсади.

Шеър ўқилса, мазмуни юзасидан саволларга жавоб олинса, шеър ёд олинса, оддий мақола типидagi матнни ўқишга хос вазифаларни ҳал этишдан нари ўтиб бўлмайди, бинобарин, бошқа педагогик вазифалар бажарилмай қолади. Аксинча, шеърини асарни таҳлил қилиш ишлари амалга оширилса, куйидаги каби натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- 1) ўз (нейтрал) маъносида ўрганилаётган лексика бадий восита сифатида намоён бўлади;
- 2) сўзнинг ҳали ўрганилмаган қирралари очилади, шу орқали ўқувчилар нутқи бойийди;

3) ўқувчи шоирнинг гўзаллик яратиш сир-асрорларини билиб боради;

4) ўзбек шеърига, шоирга ҳурмат ҳисси тарбия топади;

5) ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилияти чархланади; таг замин орқали ғоявий чиниқиш содир бўлади.

Аксинча, шеър ўқилса, савол-жавоб қилинса, шеър ёд олинса, юқоридаги вазифалар умуман эътибордан четда бўлади. Тўғри, баъзан шеър эстетик завқ олиш мақсади билангина эмас, балки уни таҳлил қилиш муносабати билан ўқилади. Бундай пайтда ўқитувчи томонидан саволлар бирмунча кўпроқ тузилиши мумкин. Чунки аввал ҳиссиётни чуқурлаштиришга қаратилган саволлар камроқ бўлиши керак бўлган бўлса, энди онглиликни ошириш ниятида таҳлилга тортиладиган жиҳатларни кенгроқ кўриб чиқиш зарурияти мавжуд бўлади.

Профессор М.Мирқосимова бу ҳақда шундай дейди: «Бадий асар мазмунини тўла ҳамда чуқур илғаш учун ўқувчи пухта назарий билимга эга бўлишдан ташқари ўзида мантиқий ва ҳиссий идрок этиш кўникмаларини ривожлантириб бориши зарур. Шунинг учун ҳам ўрта мактабда бадий асарлар таҳлилга алоҳида эътибор бериш лозим»¹.

Шеъринг асар таҳлилининг уни ўрганишдан кўзланган маърифий, тарбиявий мақсадларга эришишда аҳамияти катта экан, таҳлил аниқ бир мақсад сари йўналтирилган бўлмоғи даркор. Бошқача айтганда, нимани қай тарзда таҳлил қилиш керак деган муаммо пайдо бўлади. Бунга эса таҳлил предмети аниқлик киритиш, таълим жараёнини шунга бўйсундириш йўли билан эришилади. Одатда, ўзбек тили дарсларида асосан шеър мазмуни юзасидан суҳбат ўтказилади. Эътироф этиш лозимки, бундай суҳбат моҳиятан оддий матн (наصريй асар) бўйича ташкил этиладиган суҳбатдан фарқ қилмай қолади. Чунки саволга шеъринг мисра билан эмас, балки дарак гап билан жавоб

¹ Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т., «Фан», 2006. – 37-бет.

қайтарилади. Натижада поэтик асарнинг эмоционал таъсири аста-секин сўниб, нутқ ўстириш машқи асносида йўқ бўлиб кетади. Ҳатто тасвирий воситаларни шунчаки топиб айтиш ҳам ифодали ўқиш чоғида туғилган хис-туйғуларни ушлаб туришга қодир эмас.

Ўқитувчи шеърини асарни ёд билмас экан, унинг қайси томонларини таҳлил қилиш зарурлигини белгилаб олмас экан, у дарснинг ушбу қисмини тўғри ташкил эта олмайди ва кўзланган мақсадга эришмайди. Бу ўринда методист олим Қ.Йўлдошевнинг куйидаги фикри ҳам ўқитувчига катта масъулият юклайди: «Шунга эътибор бериш керакки, лирик шеър ўқитувчи томонидан ёд ўқилса, унинг таъсир кучи ҳам ошади, таҳлиллаш ҳам анча осон кўчади. Чунки шеърни ёд билмаган ўқитувчи лирик асар устида ишлаш мобайнида туйғулар яхлитлигига, давомийлигига эриша олмайди. Негаки, у туйғулар силсиласини эмас, дарслиқдан шеърнинг кейинги мисрасини излаш билан банд бўлади»¹.

Методик адабиётларда таҳлилдан фойдаланиш изчиллиги борасида турлича қарашлар мавжуд. «Методика преподавания русской литературы в национальной школе» қўлланмасида «Дастлаб шеърдаги поэтик образларни англаш, кейин хусусий кузатишлар орқали асарнинг ғоявий мазмунини тушунишга ўтиш керак»² дейилади. Шунинг аниқ биламизки, коммуникатив ёндашувга кўра шеърнинг ўқилиши кимгадир қандайдир таъсир ўтказиш мақсади билан амалга оширилади. Шоир ўз шеърида нима демоқчи эканлигини, яъни шеърнинг ғоявий мазмунини англашгина ифодали ўқишга коммуникатив тус беради. Шундай экан, «аввал поэтик образлар, кейин ғоявий

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Т., 1997. – 236-бет.

² Методика преподавания русской лит-ры в национальной школе / Под ред. К.В.Мальцевой, М.В.Черкезовой. – Л., «Просвещение», Ленинградское отделение, 1983. – С. 101.

мазмун» деган тезис илгари сурилса, бу тезис тўғри бўлмайди. Ифодали ўқиш жараёнида уни қандай таъсир ўтказиш мақсади билан ўқиш кераклиги ўқувчиларга маълум қилинади. Лекин поэтик образлар, тафсиллар ноаниқ англаиб туради.

Методист В.Я.Стоюнин ўз даврида таҳлилдан фойдаланиш масаласида қуйидаги фикрларни баён этган: «Асарни ўрганиб чиқиш уни фақат ўқиш дегани эмас; «мен асарни ўрганиб чикдим» деганда онгимда унинг мазмуни устида ўзим амалга оширган фикран бажарилмиш уч хил операцияни назарда тутаман: биринчидан, мен айрим фактларни ўрганиб чикдим; иккинчидан, уларнинг ички боғланишларини англаб етдим; учинчидан, мен ушбу фактлар исботлаш керак бўлган ғояни нечоғлик тасдиқлашини аниқладим, яъни, бошқача айтганда, мазмунини ўргандим, унинг композициясини билиб олдим ва танқидий текшириб чикдим». «Фақат шундай тўлиқ ўрганишгина ўқувчилар учун наф келтириши мумкин»¹.

Шеърни ифодали ўқиш машки жараёнида лирик қаҳрамоннинг руҳияти изоҳланади, бу нарса ифодали ўқиш оҳангини белгилаб беради. Таҳлил жараёнида эса шеърнинг интонацион хусусиятларига эътибор қаратилса, унинг бадиий пишиқлиги ва айни пайтда шоирнинг маҳорати яна ҳам яққол кўринади.

Лирик асарларда поэтик картиналар, сўзли образлар, лирик қаҳрамоннинг кечинмалари ва ҳис-туйғулари қарши қўйиш асосида қурилган бўлса, ана шу жиҳатлар зидлаш асосида таҳлилга тортилгани маъқул. «Баъзи шеърларда ўтмиш билан бугунги кун таққосланади. Қаҳрамон онгидаги ушбу вақт тебранишлари шеър композицияси асосида ётган сезиларли ритми вужудга келтиради»². Бунда шеърдан олинган яхлит таассуротни бузмасликка интилиш лозим.

¹ Стоюнин В.Я. Литературные беседы // Методика преподавания литературы: Хрестоматия-практикум. Автор-составитель Б.А.Ланин. Для студентов высших педагогических учебных заведений. – М., Издательский центр «Академия», 2003. – С. 49–50.

² Совершенствование преподавания литературы в школе. – М., «Просвещение», 1986. – 114-бет.

Шоир томонидан тасвир предмети ва объекти шеърда қандай ифода этилгани, асарнинг поэтик тили, бадиий-тасвирий воситалари, шоирнинг шахсий муносабати ва ички кечинмаларини аниқлаш таҳлил доирасини маълум даражада белгилаб бериши мумкин.

Шу ўринда таҳлилнинг ўқувчига ижобий ва, ақсинча, салбий таъсир этиши мумкинлигини ҳам эслатиб ўтган бўлардик. 4-синфда ўтказилган дарслардан бирида ўқитувчи уйда тайёргарлик кўрмаганлик оқибатида Шукур Саъдулланинг «Дастёр қиз» шеъридан бадиий тасвир воситаларини (ўхшатиш ва сифатлаш) топиш ҳақида ўқувчиларга топшириқ берди. Болалар бундай воситаларни топа олмаганларидан кейин улардан бири:

«Яхши шеър эмас экан», деди. Бу ерда таҳлилнинг эстетик баҳога салбий таъсири намоён бўлди. Аслида «Дастёр қиз» шеърининг таъсирчанлигига воқелик фактлари – қиз ўз тенгдошларидан фарқ қилиб, кўп ишларни бажаришини айтиш орқали эришилган.

Шеърый асар унсурлари кўп. Албатта, битта шеърни ўрганишда уларнинг барчасига тўхталишнинг сира ҳам иложи йўқ. Бундан ташқари, шеърда қайси бир унсурга устувор аҳамият берилади. Шунингдек, изчиллик ва узвийликни ҳам ҳисобга оладиган бўлса, шеърый асарлар кўп берилгани учун бугун бир шеър ёки бир неча шеър мисолида бир унсур, кейин бир ёки бир неча шеър мисолида иккинчи, ... унсурлар ўрганиб борилса, бориб-бориб улар бир тизимга бирлашиши мумкин. В.А.Шелепиннинг аниқлашича, «...адабий асарнинг барча элементлари унинг ўзига хос мазмунини яратишда, поэтик ғоясининг қарор топиши ва ривожланишида иштирок этади. Санъаткор ўз асарлари учун реал борлиқдан материал олади, лекин ушбу материални энг мураккаб ижодий ишловдан ўтказди, ўз шахсий

мантиқига, ўз шахсий ички қонунларига эга бўлган асарнинг алоҳида бир бадиий оламини юзага келтиради»¹.

Бир шеър ҳақидаги тушунчалар янги асар билан учрашганда янада конкретлашади.

Русийзабон ўқувчилар шеърдаги ритми рус шеърлари қонуниятларидан келиб чиқиб тушунишини назарда тутадиган бўлсак, таҳлилда бунга ҳам эътибор қаратилади.

Нукул бир жанрдаги шеърларни лингвистик таҳлил қилавериш таҳлилни эстетик моҳиятини чеклаб қўяди, бир шеър таҳлили иккинчисидан яққол ажратиш қийинчилигини юзага келтиради. Е.В.Лужановскаянинг қуйидаги фикри ўринли: «Бадиий асар матнидаги сўзнинг эстетик функциясини уни шартлаб берадиган омилларни (лингвистик, жанр-тур, услуб, образли-композицион) ва тил бирликлари орасидаги алоқаларнинг систем тавсифини ҳисобга олмасдан туриб таҳлил қилиб бўлмайди»².

